O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

2000 йил — Соғлом авлод йили

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 1999 йил, 31 декабрь, № 42 (235) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ана шундай мулоқотлардан бири янги йил арафаси — 29 декабрда Тошкент вилояти сайловчилари билан бўлиб ўтди.

Фидокорлар миллий демократик партияси томонидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов билан учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг раиси Умар Муслимов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Паркент тумани ҳокими Туроп Холтоев йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У ўз сўзида Ислом Каримов юртимиз истиқлолининг асосчиси, тараққиёт йўлини белгилаб берган давлат раҳбари, халқимизнинг келажагини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг бошловчи ва раҳнамоси эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти улкан ва ноёб салоҳиятга эга эканини, бу ерда беҳисоб имкониятлар, ривожланган коммуникация тармоқлари, шаклланган инфратузилма, юксак малакали кадрлар мажудлигини қайд этди.

Бугунги кунда Тошкент вилояти мамлакатимизнинг саноати юқори даражада ривожланган минтақаларидан бирига айланиб, республика саноат маҳсулотининг 11,5 фоизини, кўмирнинг 98 фоизини, цементнинг 43 фоизини, пўлат ва металл прокатининг 100 фоизини, рангли металларнинг асосий қисмини ишлаб чиқармоқда.

Юртбошимиз қайд этганидек, замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида вилоятда четга маҳсулот экспорт қилувчи саноат корхоналари сони 31 тадан 56 тага етди, экспорт ҳажми 3,6 баробар ошди. Унинг таркибида пахта толасининг улуши камайиб, қишлоқ хўжалиги хомашёсидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажми отиб бораётгани, айниқса муҳимдир.

Вилоятда хорижий сармоялар иштирокида 111 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 11 ойида улар 13,5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Айниқса, Жанубий Корея иштирокида тузилган «Қабул — Ўзбек компани», Чехия билан ҳамкорликдаги «Конмит», Ўзбекистон — Германия саъй-ҳаракатининг маҳсули бўлган «Кибо» сингари қўшма корхоналарнинг фаолияти самарали бўлмоқда.

Ислом Каримов Тошкент вилоятининг кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар ҳақида гапирар экан, аввало, бу йилнинг ўзида вилоят пахтакорлари ва ғаллакорлари эришган ютуқлар ҳар қанча таҳсинга сазоворлигини айтиб ўтди. 283 минг тонна пахта, 322 минг тонна ғалла етиштириб, шартнома режаларини ошириб бажарган вилоят деҳқонларига фидокорона меҳнатлари учун чин қалбдан миннатдорлик билдирди.

Кейинги йилларда вилоятда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 5 минг километрдан ортиқ табиий газ ва минг километрдан ортиқ ичимлик суви қувурлари фойдаланишга топширилди. Шу йиллар мобайнида аҳолини газ билан таъминлаш даражаси 52фоиздан 79 фоизга, сув билан таъминлаш эса 75 фоиздан 90 фоизга етди. 2005 йилгача яна 4 минг 200 километр табиий газ, ичимлик суви қувурлари тортиш кўзда тутилган.

Ислом Каримов Янгиобод воқеаларига тўхталиб, бу ҳол барчамизни янада огоҳ бўлишга, ҳушёрликни асло йўқотмасликка даъват этишини, юрт осойишталигини, аҳоли тинчлигини сақлаш фақат Қуролли кучлар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси эмас, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини таъкидлади. Сўзини якунлар экан, Йўлбошчимиз бугунги асосий куч-қудратимиз — одамлар нинг эртанги кунга, тинчлик ва барқарорликка, фаровон тумушга ишончи эканини айтди.

Учрашувда сўзга чиққан Оҳангарон тумани меҳнат фахрийси Эргаш Оқилов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори Владимир Андриянов, Олмалиқ шаҳар 16-ўрта мактаб директори, Искра Пак, Қибрай тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Бибихон Шералиева миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ва бошқа хайрли ишлар бевосита амалга оширилаётганини айтиб ўтдилар. 2000 йил 9 январда сайловчиларни Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Беҳзод УСМОНОВ,
Неъмат ДУШАЕВ,
(ЎзА).

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

9 ЯНВАР

Барча ердаги бўлгани каби мамлакатимиз пойтахтининг қоқ марказида жойлашган 1-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясида ҳам сайловолди ишлари авж олдирилмоқда.

Сайлов комиссияси жойлашган муҳташам бинога яқинлашар экансиз қалбингизни ажиб ҳислар қамраб олади. Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган, эртанги сайловнинг масъулиятини дилдан туйган минг-минглаб йўловчилар бу ердан ўтиб борар эканлар, ўта дид ва назокат билан битилган сайловга даъват этувчи ёзувларга албатта бир бор нигоҳ ташлаб ўтадилар. Ичкарида эса ҳаёт қайноқ.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловчини ўтказувчи 1-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан ташкил этилган эди, — дейди сайлов комиссиясининг котиби Абдуманнап Собиров биз билан суҳбатда. — Қарорга мувофиқ ишни бирдан, яъни, сентябрь ойининг ўрталаридаёқ бошлаб юбордик. Сайлов комиссиясининг таркибида 11 аъзо бор. Уларнинг барчаси эл-юртда катта обрў-эътибор қозонган, ўз жамоаларининг юксак ишончларига сазовор бўлган ҳар томонлама етук, фидойи кишилардир.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча асосий ишлар комиссиямиз билан биргаликда унинг қошидаги 671 та сайлов участкасида ҳам пухта олиб борилмоқда. Ҳозиргача бир миллион 237 минг 988 нафар сайловчи рўйхатга олинди. Уларнинг ўн беш фоизга яқини 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган, Президент сайловларида илк бор иштирок этаётган ёшлардир.

Сайлов комиссияси кенг ва ёруғ, шинам жиҳозланган хоналарда иш олиб бормоқда. Ундаги замонавий компьютер аппаратларида қайд этилган сайлов ва унга тайёргарлик билан боғлиқ барча ахборот ва манбалар бу ерга турли мурожаатлар билан келиб-кетувчиларнинг керакли тушунча ва маълумотга эга бўлишларида қўл келаяпти. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонун, қонунга шарҳлар, сайловга оид бошқа қатор адабиёт ва қўлланмалар, Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, ҳаракат дастурлари билан яқиндан танишиш истагида бўлганлар ҳам бу ерда бир зумда ўз ишларини битириб олишлари мумкин. Бунинг учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Қолаверса, сайловчиларнинг ўзларини қизиқтирган барча масалалар билан сайлов комиссиясига мурожаат этишлари учун 133-32-07, 133-50-52 рақамли телефонлар мунтазам ишлаб турибди.

— Мен сайловда биринчи маротаба қатнашаман, — дейди Тошкент Шарқшунослик институтининг 2-курс талабаси Алишер Қурбонов. — Сайлов округига келиб унинг фаолияти билан яқиндан танишдим. Ўз бурчимни ва ҳуқуқларимни тўла билиб олдим. Истиқболга юз тутган юртимизнинг бугунги равнақида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг беқиёс хизматлари бор. Юртбошимизнинг барча соҳалар қатори ёшлар камолоти йўлидаги беқиёс ишлари бугун ўз мевасини бераётганини бугун эл-юрт кўриб, ҳис этиб турибди. Сайлов куни мен албатта шу азиз инсон учун овоз бераман.

— Тошкентдек шаҳри азимга хизмат сафари билан келган эдим, — дейди ўзини «Самарқанд Агросуғурта»сининг бошлиги Орзу Саидов деб таништирган бу ердаги яна бир суҳбатдошимиз. — Алоҳида қизиқиш билан сайлов комиссиясининг ишларини кўриб чиқдим. Бизга баъзи керакли ахборот ва маълумотларни олишда округ сайлов комиссияси аъзолари керакли шарт-шароитларни яратиб бердилар. Бу албатта сайловни биз кутгандан ҳам юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказилишига имкон беради.

Бундай илиқ ва самимий фикрларни биз билан суҳбатда бўлган яна кўплаб сайловчилар алоҳида мамнуният билан айтиб, унинг ўз ҳаётларида унутилмас воқеага айланишига жиддий муносабатда бўлаётганларини билдирадилар.

Сайлов комиссиясида айни пайтда Президентликка номзодларнинг кузатувчиларига мандатлар топшириш давом этмоқда. Шу билан биргаликда номзодларнинг Тошкент шаҳар меҳнаткашлари билан бўладиган учрашувларига ҳам тайёргарлик кўрилаяпти. Сайлов участкаларида эса сайловчиларнинг руҳатини чиқариш ниҳоясига етказилаяпти. Олдинда эса сайлов. Унда ҳар ким ўз фуқаролик бурчини адо этиб, муносиблар ичра муносиб номзод учун овоз беради. Ватан тақдирини белгилайди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири.

СУРАТЛАРДА: сайлов комиссияси котиби Абдуманнап Собиров ёрдамчиси Сайёра Адҳамова билан кузатувчиларга бериладиган мандатларни тўлдирмоқда;

Бу ердан доимо сайловчиларнинг қадами узилмайди.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.



Эски йилда қолди қанча зафар, шон,
Янги зафарларга поғона бўлиб.
Янги йил келмоқда маъсум, навқирон
Янги ишончларни байроқдай олиб.

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ»

Янги йил байрами арафасида жажжи ўғил-қизлар, кичкинтойлар, болалар қалбига яна бир қувонч улашилди. Мамлакатимиз пойтахтидаги Халқлар дўстлиги саройида «Президент арчаси» байрами зўр шодиёналар билан ўтказилди.

Албатта бу тадбир Ўзбекистонда илк бор нишонланаётгани йўқ. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бевосита тавсиялари билан кейинги етти йил ичида ҳар йили Янги йил байрами арафасида «Президент арчаси» ташкил этилиб, минг-минглаб болалар ундан ўрин олган ранг-баранг дастурларнинг гувоҳи бўлмоқдалар.

— Кириб келаётган 2000 йилни юртбошимиз Ислом Каримов «Соғлом авлод йили» деб эълон қилдилар, — дейди Бош ҳомий — «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси Шуҳрат Жалилов биз билан суҳбатда.— Зеро бу улуғ ва савобли ишдир. Авлоди соғлом, ҳар томонлама етук бўлган халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади. Байрам тадбирларимизда 9000 нафардан зиёд болалар, кичкинтой ўғил-қизлар иштирок этдилар. Улар — меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган, кам таъминланган оилаларда ўниб-ўсаётган болалардир. Шу билан биргаликда ёшларнинг орасида оддий эътиборга мойил ногиронлар ҳам бор. Янги йил, янги кун арафасида уларнинг ўксик қалбига оз бўлсада қувонч улашолган бўлсак шунинг ўзи биз учун катта бахт.

Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак. Шу ўринда ҳомийларнинг йилдан йилга кўпайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Улар ўтган йили атиги 24 тани ташкил этган бўлса, бу йил бу кўрсаткич салкам тўрт баробарга ўсди. Ўртада йиғилган 25 миллион сўмлик ҳайрия маблағларининг 21 миллион сўми кам таъминланган, етимесир, ногирон болаларга совға-саломлар улашиш учун ажратилди. Қолгани байрам дастурларини ташкил этишга сарфланади.

Тадбирга келган кичкинтойлар Янги йил совғаларини олишиб, унинг ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Рустам ДОСТОН,
«Адолат» мухбири.

ЯНГИ АСРГА ИСЛОМ КАРИМОВ БИЛАН

Ҳар бир давр ўзининг буюк алломалари, улуғ кишилари билан тарихга кирган. Ўзбекистоннинг бой ўтмишига назар ташласак не-не аждодларимиз қолдирган улкан асарлар, тарихий обидалар маданий ёдгорликлар, илму фан хазиналари ҳали ҳам инсонлар қалбида ўчмас из қолдириб, ҳаётга муҳаббат туйғуларини янада кучайтираётганлигининг гувоҳи бўламиз. Агарда ўшандай бетакрор ишларни бугунги кунимизга қиёслаштирсак-чи?

Мустақил Ўзбекистонимиз Оллоҳ берган Йўлбошчимиз, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг улкан саъй-ҳаракатлари, катта меҳнати ва жасорати боис гуллаб-яшнаб бормоқда. Бир пайтлар дунёни ларзага солган соҳибқирон Амир Темур бобомиз «Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг!» деганида бу билан ўз салтанати қудратини аниқ ва лўнда ифода айлаган эди. Хўш, бизнинг давримизда-чи? Бугунги кунда ҳам ана шу улуғ ҳақиқатга хос ва мос ишлар олиб борилмоқда. Қачонлардир Ўзбекистон пойтахтида бўлган одам бугун уни таниёлмай, ҳайратдан ёқа ушлаши табиий, ундаги ҳашаматли, бир-биридан бетакрор, кўркам иморатлар келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг бугунги қудратини тўла намоён этиб турибди. Бундай ўзгаришлар пойтахтдагина эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам юзага келтирилмоқда. Юртимиз равнақ топиб гуллаб-яшнаб бораяпти. Унинг ўз автомобили, самолёти, ғалласи, нефти мустақиллигимизнинг буюк инъоми сифатида халқимиз фаровонлигини, юртимиз тинчлигини ифода айлаб турибди. Бундай ўзгаришлар ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кўзга ташланмоқда.

Ўтмишдан қолган бир гап бор: «Қайси мамлакат халқининг қандай яшашини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг бозорини бориб кўр». Юртимизнинг қиёфасига ўзукка қўйилган гавҳар кўздек жуда ярашиб турган бозорларимиз ҳам одамлар кўз ўнгида таниб бўлмас даражада ўзгариб, замонавий қиёфага эга бўлди. Мустақиллик йилларида ишга туширилган бетакрор иншоотлар бозорлар чиройига чирой қўшди. У тўлалигича маъмурчилик, фаровонлик манбаига айланди. Бу орқали юзага келтирилган қулайликлардан эндиликда ҳамма бирдек баҳраманд бўлмоқда.

Дил дилдан қувват олганидек, пойтахтимиз бозорларидаги каби ўзгаришлар бизнинг Бўкада ҳам қизғин амалга оширилмоқда. Бўка тумани ва шаҳри аҳолиси, яқин атрофдаги туманларнинг меҳнаткашлари, бошқа жойдан келган меҳмонлар бу ерда савдо қилиб ўзларининг рўзғорларини бутлашмоқда. Қилаётган ишларимиздан, ўзгаришларимиздан мамнун бўлишмоқда. Бунга албатта юртбошимизнинг эркпарвар Фармонлари йўл очди. Кейинги икки-уч йил ичида бозор майдони кенгайтирилиб, атрофи шарқона усулдаги қурилишлар ҳисобига ўз қиёфасига эга бўлди. Савдо шаҳобчалари, овқатланиш тармоқлари ишга туширилди. Бу шабҳасиз бозор рақобат билан ишлаб, мўл-кўлчиликни таъминлаётганидан далолатдир.

Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак» деган ажойиб гаплари бор. Зеро, бу элу юртини ўйлаган, унинг ғами-ташвиши билан хамоҳанг яшаб, ишлаётган улуғ инсоннинг ибрати ҳамдир. Биз Юртбошимиздан жуда кўп яхши нарсаларни ўрганяпмиз. Уларнинг самарали фаолиятлари жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагига мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Келажак эса эртамиз, фарзандларимизнинг, ўғил-қизларимизнинг фаровон ҳаётидир.

Мана Янги йил ҳам кириб келмоқда. 2000 йил 9 январь ҳаммамиз ўз фуқаролик бурчимизни адо этиб, Ўзбекистон Президентлигига ўтказиладиган сайловда иштирок этамиз. Сайловда биз шу фаровон ғўзал ҳаётимизни таъминлаётган юртнинг тинчлиги ва осойишталиги учун катта куч-ғайрат сарфлаётган, доно ва зукко инсон, ўткир сиёсий арбоб, мустақиллигимизнинг Бош меъмори, Йўлбошчимиз Ислом Каримов учун овоз берамиз. Ахир ҳар бир инсон ўзи бошлаган ишини охирига етказиши, унинг роҳат-фароғатларини ҳам кўриши керак-ку!

Биз янги асрга Йўлбошчимиз Ислом Каримов билан борамиз. Юртимизнинг буюк истиқлоли билан боғлиқ ҳамма яхши ишларнинг ҳам шу азиз инсон раҳномалигида амалга ошаётганидан бахтиёрмиз.

Сайидислом САЙДУЛЛАЕВ,
Бўка тумани очиқ турдаги «Истиқлол» бозори ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.

Дил изҳори

ЧЕКСИЗ МУҲАББАТ РАМЗИ

Ўзбекистон — бугун бу ном дунёнинг жуда кўп нуқталарида жарангламоқда. Бир пайтлар на борлиги, на йўқлиги билинган бу юртнинг ҳозирги истиқболи, тараққиётидаги дадил ва мустаҳкам ўзгаришлар манман деган давлатни, манман деган сиёсатчию иқтисодчиларни, ҳаттоки, кароматчиларни ҳам ҳайратга солмоқда.

Ҳа, Ўзбекистон ҳаётида кейинги саккиз йил ичида кўз кўриб қулоқ эшитмаган муҳжизалар рўй берди. У тамоман янги, мустақил, келажаги буюк, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлига эга бўлган давлатга айланди. Буларнинг барчасига яратганнинг инъоми ила давлатимизнинг асосчиси ва йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг беқиёс, бетакрор хизматлари боис эришдик ва эришаяпмиз.

Ислом Каримов юртимиз осмонида чарақлаган қуёшдек балқиб, халқимизни фаровон ҳаёт ва буюк келажак сари бошлаб бормоқда. Бирон бир соҳа йўқки, ул муҳтарам зотнинг эътиборидан четда қолган ёки синчков нигоҳидан нарида бўлган бўлса. Яқинда юртбошимизнинг хоразмлик сайловчилар билан бўлган учрашувида ҳам бунга яна бир карра гувоҳ бўлдик.

— Агар мендан ҳақиқий жасорат намунаси нима деб сўрашганда, — деди учрашувда юртбошимиз зўр мамнуният билан. — хоразмлик оддий деҳқоннинг мураккаб иқлим шароитидаги ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонлик, деб жавоб берган бўлур эдим.

Бу — юртбошимизнинг бизга, бутун халқимизга бўлган чексиз меҳру-муҳаббатининг ифодасидир.

Юксак ўзгаришларга ҳамоҳанг вилоятимиз иқтисодиётида ҳам янгиланиш жараёни изчил давом эттирилаяпти. Хоразмда мамлакат саноатининг янги соҳаларида алоҳида ўрин тутадиган йирик корхоналар барпо этилиб ишга туширилди. 1200 та собиқ давлат корхоналарида мулкчилик шаклининг ўзгарганлиги ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ўз навбатида бу мақсадлар учун йирик инвестициялар, хорижий сармоялар жалб этилмоқда. Оддий бир мисол: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 13 майда «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарор қабул қилди. Бу ҳам албатта бизларга бўлган катта эътиборнинг намунасидир.

Мен юртбошимизни халқимизнинг чин, асл фарзанди сифатида юксак қадрлайман. Мана, яқин ўтмишимизга бир назар ташлайлик: давлатимиз раҳбарининг кенг феъли-атвори, келажакка ёрқин назари, она Ватан ва халқига бўлган чексиз меҳру муҳаббати боис не-не балолардан омон қолдик. Юртимиз тинч, бунёдкорона меҳнат майдонига айланди. Шундай мард, жасур, доно ва зукко раҳнамони бизларга берган Оллоҳга минг бора шукр. Ислом Каримов биз учун кенг имкониятлар эшигини очди. Яхши яшаш ва ишлашимиз, халқимизнинг бой-бадавлат бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди ва яна яратмоқда. 2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Президентга сайлови куни мен бутун оилам билан йўлбошчимиз Ислом Каримов учун овоз бераман. Халқимизнинг бахтига у-азиз зотнинг доимо соғ-омон бўлишларини яратган эгамдан сураб қоламан.

Ҳайитбой ХЎЖАЕВ,
Шовот туманидаги «Ўзбекистон» жамоа корхонасининг раҳбари, Ўзбекистон «Адолат» СДП туман Кенгашининг биринчи котиби.

● *2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

ЗАМОН ДАРҒАСИ

Тарих саҳифаларининг гувоҳлик беришича, Самарқанд не-не султонлар, шоҳлар ва саркардалар, олиму фузалолар макон топган шаҳардир.

Самарқанд гўзаллигини Умар Ҳайём шундай таърифлайди:

Гар мол-мулк керак бўлса,
бор Ҳиндистонга, бор,
Гар имон керак бўлса,
бор Маккага, бор,
Гар иккисин қилсанг ҳаёл
Яхшиси, Самарқандда қол.

Ҳа, Самарқанд уч минг йиллик тарихнинг сир-синоатини бағрида сақлаб келаётган азим шаҳардир. Бизнинг жасур юртбошимиз ҳам ана шу азиз шаҳарда дунёга келган... Шунинг учун ҳам у буюкки, ўз халқи меҳридан, улуғ аждодлар руҳидан маънавий озуқа олади, Ватан муҳаббати билан яшайди.

Мен унинг, айниқса, давраларда нуроний отахонлар билан очиқ чеҳра ила қучоқ очиб кўришганида, муниса онахонлар елкасидан олиб, бошига дўппи кийгизганларида, «Ўзбекистон болалари менинг болаларим! Мен уларни бегона қўлларга бермайман, ўзим тарбия қиламан», деб хитоб қилганида унга ич-ичимдан ҳавасим келади. Ўзбекнинг шундай шунқор, ардоқли фарзанди, ўзбек ўғлони борлигидан фахрланаман.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жаҳон минбаридан туриб дунё халқларининг қўнглидаги гапларни айтганида, ўзбекнинг овозини бутун жаҳон тинглаганида ўзимнинг борлигимга, дунё майдонида Ўзбекистон деб аталмиш Ватан борлигига яна бир бор шукроналар айтдим. Мен унинг ўттиздан ортиқ ёзган асарларини ўқиб чиқдим. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асари мени қайта-қайта ҳайратга солади. Гарчанд бу асар бундан икки йил илгари чоп этилган бўлса ҳам, бугунги кундаги воқеаларни олдиндан кўра билгандай, гўё башорат қилгандай бўлади.

Масалан, бизнинг хавфсизлигимизга таҳдид солувчи қўшни мамлакатлардаги воқеалар, Ҳиндистон ва Покистон давлатларининг ядро қуролига эга бўлиб, кетма-кет ядро синовларини ўтказиши, Афғонистондаги бўлаётган воқеалар, халқаро террорист жангариларни Қирғизистон Республикасининг Боткен туманига бостириб киришини гўё олдиндан билгандай, башорат қилгандай туюлади.

XXI асрда инсониятни ҳаёт сарчашмаларидан баҳраманд қилиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг катта масъулиятдир. Коинотимизнинг қандай нафас олаётгани келажак авлодларга уни турли фалокатлардан асраган ҳолда етказиш, табиий экологик муаммолар, наркобизнесга қарши курашдаги масалалар, инсониятни «оқ ажал» балосидан қутқариш масалалари ҳам ҳар бир соғлом фикрловчи инсонни ташвишга солмай қўймайди. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Америка Қўшма Штатларидаги «Новое русское слово» газетаси, Ғарбдаги «Янги замон» ва «Курьер» журналлари бу асар ҳақида илиқ фикрларни баён қилди. Бу асар бир неча тилларга таржима қилинди.

Умуман, муаллифнинг ушбу асари ўзининг сиёсий ва илмий салмоғи, салоҳияти билан жаҳон сиёсат майдонида кўплаб сиёсатшунос олимлар, давлат арбобларининг эътиборини жалб этди.

Ислом Каримов мамлакатни бошқарар экан, у узоқ тарихимизда яшаб ижод этган аждодлар маънавиятига суянади, эзгу нияти билан яшайди. Шунинг учун ҳам 2000 йилни мамлакатда «Соғлом авлод йили» деб эълон қилди.

Мен давримизнинг донишманд сиёсатдони ва буюк давлат арбоби, баркамол инсон, халқимизнинг севган фарзанди, даврамиз дарғасини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўйилган номзодини қўллаб-қувватлайман ва барча юртдошларимни у киши учун овоз беришга чақираман.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, доцент.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ БАРЧА ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИГА, ХАЙРИХОҲЛАРИГА, ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Мана, 1999 йил ҳам ўз ниҳоясига етиб, XX асрнинг охирги йилига кириб келмоқда. Тугалланаётган йил халқимиз учун мустақиллигимизнинг моҳияти чуқур англаниб, Ватанимиз келажагига бўлган умид ва ишонч мустаҳкамланган, ислоҳотлар жадаллашиб, иқтисодиётимиз бирмунча юксалган, жамиятни демократлаштириш соҳасида бир қатор муваффақиятларга эришилган, ёш авлод камолоти юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилган йил бўлди.

Шу билан бирга, тинчлигимиз, осойишталигимизга хуруж қилган экстремистик кучлар фош этилиб, уларга зарба берилган йил бўлди.

«Аёллар йили» деб аталган бу йилда аёлларимиз қадр-қиммати, ҳурмати улуғланди. Уларнинг оғирини енгил қилиш, соғлигини муҳофазалаш борасида ғамхўрлигимиз ошди.

Тугалланаётган 1999 йил Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳаётида салмоқли из қолдирди. Партиямиз сафлари салкам ўн минг кишига кўпайди. Жойлардаги партия ташкилотларимизнинг фаоллиги ошди, ташкилий ва ғоявий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Шу йили партиямиз тарихидаги муҳим воқеа — унинг II Қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой партиянинг истиқболдаги ҳаракат дастурини, раҳбар органларини, Олий Мажлис сайловларида қатнашадиган номзодларини белгилаб берди.

Сайловлар жараёнида партиямиз чинакамига танилди, халқ оғзига тушди, у кўтариб чиққан ҳаракат дастури, унинг ғоялари халқ оммасининг катта қисмида ўз тарафдорларини, маслакдошларини топди.

Сайловларда эришилган муваффақиятимиз катта бўлмасада, у партиямиз учун биринчи синов бўлди. Тўпланган тажриба келажакда партиямиз салоҳиятини оширишда унинг ғоявий ва ташкилий юксалишида, халқимиз эътиборига кўпроқ эришишида истиқболимиз мезони бўлиб хизмат қилади.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши партия аъзоларини, тарафдорларини, ёру дўстларини, Ватанимиз барча халқини Янги — 2000 йил билан чин дилдан табриклайди. ишларингизда, ўқишларингизда муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-осойишталик тилайди. Янги «Соғлом авлод йили»да хонадонингиздан қут-барака аримасин, дастурхонингиз доимо тўкин, бахтингиз бутун бўлсин, азизлар!

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқинлашгани сайин уни уюшқоқлик билан юксак савияда ўтказиш учун ишлар авж олдирилмоқда. Сайлов округларида, сайлов участкаларида, меҳнат жамоаларида Президентликка номзодлар чуқур ўрганилиб, ҳар ким 9 январь куни ўз фуқаролик бурчини сидқидилдан адо этиш учун овоз беришга тайёрланмоқда.

СУРАТДА: ана шундай лаҳзалардан лавҳа акс этган.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

МУБОРАКБОД

Муҳаддислар султони Имом ал-Бухорий илм ўрганиш, Ватанни севиш борасида фидойиликнинг беқиёс намунасидир. Қирқ йилдан ортиқ риёзат чекиб, қомусий илм соҳиби бўладилар, беҳисоб сахиҳ ҳадислар йиғадилар. Машриқда неча-неча эл-юртларни илмларидан баҳраманд қилиб, улкан ҳурмат-эътиборга сазовор бўладилар. Умрлари поёнида кўнгиллари она диёрни қўмсайди бор илмини, йиққан ҳадисларини ватандошларига етказишни истайдилар, зўр илтифоту мартабалар баҳридан кечиб она шаҳри Бухорога келадилар.

Камтарона ҳаёт кечириб, илм, тарбия ила машғул бўладилар. Илмига, суҳбатига муштоқ самарқандлик уламолар ҳазратни қайта-қайта таклиф қилишганидан, сўзларини қиёлмай йўлга тушадилар. У зотни кексалик, чарчоқлик, сафар азоби қийнайди — Хартанг қишлоғига етганда мадорлари қочиб, ётиб қоладилар. Ҳазратнинг бу ерда эканликларидан хабар топган самарқандлик уламолар олиб кетиш учун келадилар. Суханларини ерда қолдирмай, уловгача борадилар. Бир оёқларини узангига қўядилару, иккинчисига мажоллари етмайди, шу он тилларига бир илҳом келади: «Шу ер менинг тупроғим бўладиганга ўхшайди, Оллоҳ шифо берса албатта Самарқандга борурмен. Рамазон ойининг ўттизинчи куни хуфтон намозини ўқигандан кейин вафот этадилар. Эртаси куни ҳайит намози, пешин намози ўқилгач, чиқариладилар. Китобларда айтилишича, вафотларига ярим кун ўтса-да, жанозаларига чунон кўп одам йиғиладики, осмондан тушдими, ердан қайнаб чиқдими, билиб бўлмасди.

Жанозасини ҳазрат уйига қўнган шу ерлик муҳаддис Ғолиб ибни Жаброил ўқийди. Яна бир мўъжиза, нуқталик жиҳати шундаки, не-не хорижлик номдор муҳаддислар, олиму муфассирлар эмас, хартанглик ватандоши жанозасини ўқийди ва бу билан беҳад фахрланади. Дафн этилгач, узоқ муддат қабрларидан муаттар, хушбўй ҳид таралиб туради, одамлар тупроғидан рўмолчаларига тугиб, чўнтакларига солиб олиб кетадиган бўлишади, шунда уламолар йиғилиб, мақбара қуришга фатво беришади...

Ушбу тарихни имом ал-Бухорий Жоме масжиди имом хатиби Усмонхон ҳожи Темурхон ўғли ғоят таъсирли, шавқли ҳикоя қилиб берадилар.

Имом Бухорийнинг ҳокипойлари асрлар давомида зиёратчилар қадами узилмаган қутлуғ қадамжо бўлиб келган. Ҳатто, атеизм хуруж қилган қизил жоҳилият замонида ҳам бу зоти бобаракотга чин мусулмонларнинг ҳурмат-ихлоси сарбаланд бўлган. Тўғри, қисқа бир муддат ул зотнинг қабрлари, теварак-атрофи қаровсиз бўлган, бу ерга боборў кишилар, айниқса, хорижлик меҳмонларнинг таширф буюришидан истиҳола қилганмиз. Оллоҳга шукр, истиқболимиз шарофати, Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан улуғ бобокалонимизни қайта кашф этдик. Ҳазрат беқиёс хизматлари ила она диёрини мусулмон оламига маълум ва машҳур қилди. Миннатдор Ватан ҳам, ўз навбатида, уларнинг ҳурматини, қадр-қимматини жойига қўйди ва қўймоқда. Янги, ҳайратомуз мажмуа буюк бобокалонимизга буюк ҳурматимиз ифодаси, истиқлолимиз иноянти, кучимиз, иқтидоримиз-ёрқин намойиши бўлди.

Янги, муаззам мажмуани зиёрат қилувчилар кўпайиб бораяпти. Бу муборак қадамжони Маккаи Мукаррамадан кейин кўриб, муҳаддис қабрини тавоф қилишга орзумандлар ўзимизда, хорижда қанча.

Ҳаж арконини бажаришга йўл олувчилар олдин Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қиладиган бўлишди. Жума, рўзаи рамазон, ҳайит кунлари, айниқса, одам тўлиб кетади. Ёшлар, талабалар, ўқувчилар кўп келишаётгани хўп қувонарли. Мажмуа қадамжо, ибодат маскани бўлибгина қолмай, маънавият, маърифат, тарбия ўчоғи ҳам. Зиёратчиларга тушунтириш ишларини олиб борадиган, зоти бобаракот қабри гирдида қурён тиловат қиладиган Усмонхон Темурхон ўғли, у кишининг сафдошлари, шогирдлари бўлади. Олиймақом раҳбарлар, давлат ва жамоат арбоблари, мазмундор ҳикояларини мароқ билан тинглашади. Масалан, Туркия Президенти Сулаймон Демирел жаноблари ўтган йил 16 мартдаги янги ташрифида мажмуани завқ-шавқ билан томоша қилдилар: «Қанча муддатда бунёд бўлди?» деб сўрайдилар, «Саккиз ойда битди» дейишганда юз-кўзлари яшнаб кетиб, Юртбошимизга қарата «Чўх ғузал, чўх ғузал» деб қўядилар. Инглиз шаҳзодаси Чарлз, Юнесконинг собиқ бош директори Федерико Майор ва бошқа таниқли кишилар ҳам зўр қизиқиш билан кўздан кечирадилар.

Яна Усмонхон ҳожига сўз берамиз: «Мажмуанинг бош меъмори, ташаббускори Юртбошимиз бўладилар. Донги кетган, қўли гул усталарни жалб этган, ишнинг кетишидан муттасил хабардор бўлиб турган, орада бир келиб кўриб, қимматли маслаҳатлар берганлар ҳам улар».

Беш-ўн одамни илоҳий билимлардан хабардор этиш, қурён оятларидан тиловат қилиш ҳаммага, ҳатто мусулмонман деб юрганларга ҳам муяссар бўлавермайди. Ўнлаб-юзлаб одамларни оғзига қаратиш, буюк муҳаддис ҳаётидан, сахиҳ ҳадислардан, мароқли ҳикоялар келтириш, Қуръони карим оятларидан ҳузурбахш тиловатлар қилиш, турфа соҳа аҳлига маъқул гап топиб бериш учун чуқур билим, кенг савия, илоҳий билимларни тўлиқ эгаллаш, дунёвий билимлардан яхши хабардорлик, нотиқлик саньати ва яна кўп фазилатлар керак бўладиким, уларнинг бари Усмонхон ҳожида мужассам. Бухорои шарифда, Тошкент олий маҳадида, мусулмон шаҳрида йиққан илмларини ҳақ, адолат йўлида халққа етказишда ранж, заҳмат чекиб келаётибдилар. Кўпгина имом хатибларимиздан фарқли ўлароқ Усмонхон ҳожи матбуотда, радио, телевидениеда вақти-вақти билан чиқиб, китоб, рисолалар битиб турадилар. Қадим қўлёзмалар устидаги тадқиқотларини якунлаб, фан номзоди рутбасига эга бўлиш арафасида турибдилар.

2000 йилнинг 1 январида, рўзаи рамазон кунларида, Лайлатул қадр арафасида 50 ёшга қадам қўйдилар. Қора соқоли, ўзбек дўпписи ўзига ярашиб турадиган бу билимдон, ширинсухан қадрдонимиз, Юртбошимизга сиҳат-саломатлик, илм таълим, маърифат йўлидаги савобли ишларида муваффақияту барокат тилайдилар. Илоҳи омин!

Сайди УМИРОВ,
ёзувчи.

АЁЛЛАР ЙИЛИ ОҲИРЛАМОҚДА, АЙНИ ЧОҒДА АЁЛГА ЭҲТИРОМ ДАВОМ ЭТАДИ

Юртимизнинг илғор аёлларидан бири, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Озода опа Сотволдиева янги — 2000 йилни Президентимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганлигига ана шундай самимий дил сўзлари билан муносабат билдирди.

— Истиқлолнинг ҳар бир йили республикамиз тарихида ўзига хос ном билан муҳрланмоқда, — дейди Озода опа. — Ўтаётган йилимиз аёлларни эъзозлашга бағишланди. Шу маънода, март ойида оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларни солиққа тортишда унинг миқдорини 20 фоиздан оширмаслик тўғрисидаги Президент Фармонини эслашни жоиз деб ҳисоблайман. Шунингдек, аёллар йили муносабати билан мамлакатимизда кенг қамровли дастур қабул қилинди. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси аёлларимизнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга хизмат қилди. Шуни ҳам айтиш керакки, Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили деб ўзига хос номланаётган ҳар бир йилимиз бир-бири билан изчил боғланиб турибди. Муҳими, бунинг таг-замирида инсонни, оилани, аёлни ва келажак авлодларни эъзозлаш, шулар баробарида жамиятнинг барча қатламларига эътиборни қаратиш, уларни ижтимоий муҳофазалаш ётибди.

— Ўтаётган йилдан қониқдингизми? Эсда қоларли воқеа сифатида қандай саналарни қайд этишни истардингиз?

— Ўтаётган йилимиз тарихий воқеаларга бой бўлди. Улардан энг асосийси, яқинда ўтказилган Олий Мажлисга сайловлар ҳисобланади. Кейинги сайловлар жуда адолатли, демократик руҳда ўтди, деган фикрдаман. Тошкент шаҳар Минор сайлов участкасида комиссия аъзоси сифатида иштирок этиб, шахсан ўзим бунга гувоҳ бўлдим. Амин бўлдимки, мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсат халқимизни бефарқ қолдирмаяпти. Фуқароларнинг ниҳоятда фаоллашгани, эртанги кунга умид билан боқаётганида буни кўриб турибмиз.

— Ўз ишингиз хусусиятлари тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.

— Биз, нотариуслар, Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Оила кодексларига суянган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати томонидан 1997 йил 28 апрелда тасдиқланган қўлланмага асосан бир қатор нотариат ҳаракатларини бажарамиз. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг таъсис шартномалари, гаров шартномаси, уй-жой, автомашиналарнинг олди-сотди шартномалари, васиятномалар, ижара шартномалари ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Такрор айтаманки, ҳар бир шартнома ёки ҳужжатни тасдиқлаш жараёнида қонун устуворлигини таъминлаш нотариуснинг муҳим бурчи ҳисобланади. Иш ҳужжатлари пухта ўрганилиб, кейин бир қарорга келинади. Қисқасини айтганда, «етти ўлчаб бир кесиш керак» деган ибора айнан нотариат ишига мос келади. Кейинги пайтда нотариат тизимидаги муҳим янгиликлардан бири никоҳ шартномаси бўлди. Бунга кўра, ёш келин-кўёвлар ўртасида никоҳ шартномаси тузилиб, унда эр-хотинларни мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқлари аниқланиб берилади. Кўпинча эр-хотинлар ўртасида қўйди-чиқди пайтида мол-мулк низолари биринчи погонага кўтарилади. Шу боис, никоҳ шартномасини тузиш амалиёти 1998 йил 1 сентябрдан кучга кирган. Шартномага асосан оилада эр нима вазифани бажаради, хотин нима вазифани бажаради, ҳаммаси аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилди. Бу давлат томонидан оналикни, оталикни ва болаликни муҳофаза қилиш, шу билан янги иқтисодий-ижтимоий шароитларда оилани мустаҳкамлаш демакдир.

— Бирон-бир иш юзасидан нотариат ҳаракатларини бажариш албатта масъулиятли, бу тушунарли. Лекин, умуман нотариат амалиётида нотариусларни ҳам чалғитиш ҳоллари ёки низоли ҳолатлар пайдо бўлиши мумкинми?

— Ишимизда аввало бундай ҳоллар учрамаслиги керак. Бизда хатога йўл қўйиш эса худди тиббиётда шифокор беморга нотўғри ташхис қўйгандек гап. Аммо камдан-кам ҳолларда бўлса ҳам, чалкашликлар юз беради. Айтайлик, баъзи бировлар қаровчисиз қолган кишининг уй-жойига эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш эвазига уни умрбод ўз васиятига олиши масаласида келишмовчиликлар юз беради. Томонлар мазкур қарорга келишгани ҳолда нотариусда уй-жой олди-сотдиси шартномасини тузишади. Ваҳоланки, нотариат ҳаракатлари бажарилишида ҳар бир нарса ўз номи билан аталиши лозим. Қолаверса, бу хилдаги ноқонуний келишувлар юз бермаслиги учун нотариуслар ҳам ишни пухта ўрганишларига тўғри келади.

— Янги — «Соғлом авлод йили»да нималарни орзу қиляпсиз, ҳамюртларимизга қандай тилакларингиз бор?

— Уч нафар фарзандни тарбиялаётган она сифатида янги йилдан орзу-умидларим кўп. Тунгич ўғлим Бекзод Тошкент юридик институтини битиряпти. Қизим Жамилахон ўн биринчи синфда ўқиётир. Кенжам Дилмурод эса ўзбек-турк лицейида 8-синфда ўқийди. Демак, мен ҳам юртдош дугоналарим қатори соғлом авлодни вояга етказишда бевосита иштирок этяпман. Бирданбир орзуим фарзандларимнинг камолини кўришдир. Тилагим, юртимиз тинч бўлса, халқимиз аҳил бўлса, аёлларимиз кўзларида бахт ёғдуси чарақлаб турса дейман. Тинчлик, осойишталикни энг улкан бойлигимиз, деб биламан. Зеро, ҳамжиҳатлик, тотувлик бор жойда барака, тараққиёт бўлади. Уни кўз қорачиғидай асрашимиз лозим.

Ҳадемай мамлакатимизда Президентликка сайловлар ўтказилади. Сўзимнинг тасдиғи сифатида бутун оиламиз билан ҳеч иккиланмай бугунги кунда тинчлик, барқарорлик, тараққиёт ва фаровонликнинг кафолати деб билганимиз инсонга - Президентимиз Ислом Каримовга овоз берамиз.

«Туркистон-пресс»

Кириб келаётган Янги — 2000 йилни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов «Соғлом авлод йили» деб эълон қилди. Зеро, эртанги кунимизнинг қандай бўлиши бугунги баркамол, соғлом авлоднинг камолига боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН НАЖОТКОРЛАРИ ДАЪВАТИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, шунингдек ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, кишилар онгида маънавият ва маърифатни, теран тафаккурни шакллантириш борасидаги сайъ-ҳаракатларимиз Президент Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикада тинчлик ва осойишталикни барқарор сақлаб туриш баробарида ижтимоий муҳофазанинг йилдан-йилга кучайиб бориши, халқимизнинг келажакка бўлган ишончини ортиб бораётганидан далолатдир.

Барчамизга аёнки, мустамлакачилик даврида мамлакатимиз аҳолисини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиши лозим бўлган «Фуқаро муҳофазаси» ишлари бўйича бошқарма номигагина ишлаб келарди. Истиқлол йилларида бу соҳага жиддий эътибор берилиб, алоҳида вазирликка айлантирилди ва ҳукуматимизнинг ўнга яқин қарори қабул қилинди. Яна бир қувончли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Шубҳасиз, айтиш жоизки, бу муҳим ҳужжат мамлакатимиз аҳолисини турли офатлардан муҳофаза қилишнинг муайян кафолатидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида 1999 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда вазир Баҳодир Қосимов сўз олиб, Президентимиз томонидан 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши вазирлик шахсий таркиби зиммасига алоҳида масъулият юклайди, деди. Чунки ҳар қандай вазиятда доимо шай турадиган қалби қайноқ ёшларни она-Ватанимизнинг жасур, довюрак нажоткор-ҳимоячилари этиб тарбиялаш шу куннинг муҳим талабидир.

Мажлис якунида вазир 2000 йил 9 январда бўлиб ўтадиган сайловда Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Президенти лавозимига номзоди кўрсатилган Ислом Абдуганиевич Каримов номзодини бир овоздан қўллаб-қувватлашга чақирди.

Азамат СУЮНОВ.

Ишбилармонлик — давр талаби

РЕЖАЛИ ИШ — ҲАМИША БЕШ

Бугун серқуёш диёримизда яхши ишлари билан одамларнинг оғирини енгил қилаётган, мустақилликни мустаҳкамлаш ва юрт фаровонлиги йўлида фидокорлик кўрсатаётган кишилар жуда кўп. Шаҳрисабз гўшт очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Олим Одилов ҳам уларнинг биридир. Кейинги вақтларда бу ишбилармон раҳбар бошқараётган жамоа ўзининг маҳсулотлари билан тилга тушди.



Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кўп нарса раҳбарга боғлиқ. Агар у тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган раҳбар бўлса жамоада баракаю ҳамкорлик, иттифоқчилик бўлади. Шу сабаб Олим акани ўз соҳасининг билимдони, жонкуяри, жамоанинг, халқнинг ишончини оқлаган раҳбарлардан бири дейиш мумкин. У 13 ёшлигидан буён шу ерда меҳнат қилади. 38 йилдирки аҳолини гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга ҳисса қўшиб келаяпти. 1988 йилдан буён эса жамоа саркори. Уша йиллари корхонада иш бўлсабўлмаса ортиқча 80 киши ишларди. Уларнинг ҳаммасига ойлик маош тўланар, бу эса корхонани таназзулга юз тутишига олиб бораётган эди. Олим ака шу ерда камол топган эмасми, ҳар томонлама пухта ўйлаб, 20 нафар ишчи ўрнини қисқартириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришди. Олинган фойда ҳисобига эса қурилишни жонлантирди. Замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Қўшимча цехларни ишга туширишга эътибор қаратилди. «Интилганга толе ёр» деганларидек, тинимсиз изланиб, елиб-югуришлар самарасиз кетмади. Жамоа тез орада зарар билан эмас, катта иқтисодий фойда билан ишлаш йўлига ўтиб олди. Кўп ўтмай мазкур жамоа республика гўшт-сут саноати мажмуида кўзга кўринган илғор корхоналардан бирига айланди. Биргина мисол ўтган йили 3 миллион 700 минг сўм соф фойда олинди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич 7 миллион сўмни ташкил этди. Шу ўринда яна бир нарса устида тўхталишни лозим топдик. Бултур 838 миллион 870 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилган бўлса, амалдаги йилда бу рақам 840 миллион сўмдан ортди.

Режали иш — ҳамиша беш, — дейди халқимиз. Ҳа, Олим аканинг пойқадами жамоага қутлуғ келди. Айниқса, унинг ҳар бир ишни аниқ режа асосида амалга ошириши, яратувчанлиги жамият иқтисодини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир. Унинг ташаббуси билан ҳозир ҳиссадорлик жамиятида 10 та цех фаолият кўрсатмоқда. Терини қайта ишлаш, совун, гишт блок ишлаб чиқариш каби қўшимча цехлардан ҳар йили 300 минг сўмдан зиёд даромад олинаяпти. Бундан ташқари, 25 гектар ер, ёрдамчи хўжалик, 4 та иссиқхона ва ҳоказолар жамоа ихтиёрида. Унда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишчи-хизматчиларга тарқатиляпти. Ишчи-хизматчилар учун ошхона ва дам олиш масканларида ҳамма қулайликлар муҳайё этилган. Олим ака 2000 йилда ҳам мавжуд цехларнинг узлуксиз ишлаши учун ҳозирдан шароит яратди. Ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан аванс сифатида чорвачилик хўжаликларига олдиндан 3,5 миллион сўм тўлаб қўйилди. Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларидаги 58 та хўжалик билан шартномалар тузилди. Бундан ташқари, қўшимча цехлар фаолиятини тўхтатмаслик учун ҳам иш олиб борилмоқда.

Айни пайтда жамият цехларида ҳар ойда 200 тонадан ортиқ гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Цехлар Германия, Венгрия, Чехословакиядан келтирилган асбоб ускуналар билан жиҳозлангани боис маҳсулот сифати истеъмолчилар талабини тўла қондирмоқда. Шу билан биргаликда ушбу цехларда етти хазинанинг бири — паррандалар учун суяк уни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Умуман, бирорта ҳам чиқитга йўл қўйилмаяпти.

Хуллас, жамият атрофида бўш ётган ер қолмаган ҳисоби. Ҳаммаёқ гуллаб-яшнаётганидан кўз қувонади. Шуни айтсалар керакда, яхшидан боғ қолади деб...

Инсоф-диёнатли, меҳр-оқибатли, эл ишига камарбаста раҳбар Олим Одиловнинг келгусидаги ниятлари ҳам бир дунё. Унинг эзгу мақсади жамият қошида бунёд этилаётган янги бино қурилишини 2000 йилда тугаллаб, қўшма корхона ташкил этишдан иборат. Сўнгра эса ҳар хил гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариб жаҳон бозорига чиқишни, мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни бош вазифа қилиб олган. Яна кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни янги йилда ҳам ташкил этиш учун қўшимча имкониятларни ишга солаяпти. Халқни сифатли ва арзон гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга улуш қўшмоқда.

У ҳар тонг дуога қўл очаркан, истиқлолимиз абадий бўлсин. Ҳар бир ўзбек оиласида яхши кунлар тўйга уланаверсин, — дея ният қилади. Бизнинг ҳам ниятимиз шу. Илоҳим Олим аканинг дуолари ижобат бўлсин!

Комил САХАТОВ,
«Адолат» мухбири.

Белбоғли кураш

БОБОЛАРИМ АСЛИ ПОЛВОНДИР

Республикамиз бўйича спорт соҳасида бир йўла иккита йирик тадбир — кураш ҳамда ватанпарварлик ойлиги давом этаётган бир вақтда «Белбоғли кураш» бўйича биринчи халқаро мусобақанинг ўтказилиши кураш ихлосмандлари қувончига қувонч қўшди. Кураш ватани полвонлари уч вазнда ҳам тўққиз совринли ўринни эгаллагани барчага маълум. Кўпчилик мухлисларда ушбу халқаро турнир беллашувлари катта таассурот қолдирганининг гувохи бўлдик.

Аъзам бобо ХЎЖАЕВ, 75 ёшли кураш мухлиси, уруш қатнашчиси:

— Кураш бўйича 1-Жаҳон чемпионатини кузатиб, ундаги жозиба ва шиддатдан илҳомланиб, курашнинг ашаддий мухлиси бўлиб қолган эдим. Шунинг учун ҳам белбоғли кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақани кўриб, ўзим учун яна бир севимли спорт турини кашф этдим. Майдондаги алп ўғлонлар ёшлик пайтларимни эслатишди. Урушдан олдин Х.Латипов, С. Аҳмедов, А. Ибодов каби қуролдошларим билан спортга меҳр қўйиб, мунтазам шуғулланардик. Бу бизга катта ёрдам бериб, ҳозиргача тетик юришимизга сабаб бўлди. Ўйлайманки, халқаро майдон сари қўйилган илк қадам қутлуғ келиб, ёшларимизни жисмонан, рухан соғлом қилиб вояга етказади, Ватан ҳимояси учун доимо садоқатли ва ватанпарвар ўғлонларни тарбиялашга хизмат қилади.

Мўйдин бобо ИСОҚОВ (70 ёшда), «Белбоғли кураш» бўйича ўтказилган 1-халқаро турнир ғолиблари Шуҳрат (73 кг) ва Равшан (90кг) ИСОҚОВларнинг отаси:

— Соғлом авлод йили арафасида курашимизнинг халқаро тус олиши ҳайрли иш бўлди. Фарзандларим ютуғини олқишлаб, мухлисларнинг: — «Яшавор полвон, отангга рахмат!, — деган сўзларини эшитганимда кўзларим ёшланиб, қайта туғилгандек бўлдим. Янги қоидаларга асосланган бу турнир ўша асл курашни ўз холига қайтарди.

Полвонлик бизга бобомерос, от изини той босар, дейдилар. Шу боис, уч ўғлимни ҳам кураш билан шуғулланишига шароит яратиб берганман. Бугунги кунга келиб қилган хизматларимнинг мевсини татимоқдаман. Сулоламизни давом эттириш мақсадида беш неварамни ҳам белбоғли кураш билан шуғуллантиряпман. Шу каби ҳайрли ишларга бош-қош бўлиб, курашимизга кенг йўл очиб берган Юртбошиидан миннатдормиз.

Қолаверса, 9 январда бўладиган Президент сайловида бизполвонлар сулоласи бир овоздан Ислом Каримовнинг номзодини ёқлаб овоз берамиз!

«ТУРКИСТОН — ПРЕСС».

ОҚСОҚОЛЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Тошкент шаҳридаги «ЖАР» спорт соғломлаштириш мажмуида илк марта кураш фахрийлари ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Мазкур мусобақада мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган 35-75 ёшгача бўлган кураш фахрийлари ва оқсоқол полвонлар ғолиб учун беллашувларда билак кучини синаб кўришди.

— Мазкур биринчиликни ўтказишдан мақсад, кураш ойлиги дастуримизда қайд этилганидек, янги йилда мусобақаларни хуш кайфият билан давом эттириш ҳамда курашимизнинг жаҳонда янги зафарлар қучиши учун оқсоқол полвонларимизнинг дуосидан баҳраманд бўлишдан иборат эди, — деди Ўзбекистон кураш миллий федерацияси бош котиби Алишер Эшонқулов «Туркистон-пресс» мухбирига.

Уч тоифа ёшидаги фахрийларнинг 3 вазни бўйича курашимизнинг икки тури — кураш ва белбоғли кураш бахсларининг дастлабки учрашувини Қорақалпоқистон Республикасининг 68 ёшли полвони Қукмен бобо Каипов ва 70 ёшдаги Сурхондарё вакили Йўлдош бобо Абраматовлар бошлаб беришди. Полвонлар баҳсида дуранг натижа қайд этилди. Шундан сўнг ёши ва вазни бўйича уч тоифадаги 30 нафардан ортиқ отахонлар ўртасида ғолиблик учун баҳслар қизғин кечди. Фахрийларимиздан Х. Кафиев (Самарқанд), А. Шокиржонов (Тошкент вилояти), Б. Болжанов (Қорақалпоғистон)лар ҳамда сурхондарёлик оқсоқол полвонлардан Ж. Махмарасулов, Ж. Тошматовлар ғолиб бўлишди. Ёши 65 дан ошган вазни 90 килограммдан юқори полвонлар ўртасидаги мутлоқ ғолиблик учун кечган беллашувлар айниқса қизиқарли бўлиб, финалда Сурхондарёнинг икки вакили — ёши 73 да бўлган Жўра бобо Тошматов ва 70 ёшли Йўлдош бобо Абраматовлар курашди. Беллешувда Жўра бобо «ёнбош» баҳоси билан устунликка эришиб, мусобақанинг бош совринини қўлга киритди.

Ташкилий қўмита томонидан биринчилик ғолибларига ҳамда барча кураш фахрийларига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

ҚИСТИРИНГ

(Бир таъмагир ДАН ходимининг Янги йил хазили)

Честь бериб сўнг қўл узатсам, аста, пинҳон қистиринг,
Илтимосим, сезмасин ҳеч дўсту душман, қистиринг,

Ёлвориб минг, «шаҳрингизда бир мусофирман», деманг,
Пулларингиз кўп табаррук, танти меҳмон қистиринг.

Жонингиз чиққудайин юзни буриштирманг, акам,
Ўргилай, айлаб табассум, шўху ҳандон қистиринг.

Ўғри бўл, инсофли бўл, доим шиоримдир менинг,
Юзталик басдур, демасман мўлу чандон қистиринг.

Камтарину камсуқумман, менга асло фарқи йўқ,
Рублу сўм, танга ва ёҳуд бўлса червон қистиринг.

Қўйсангиз бир бор ногоҳ дилгинамни ранжитиб,
Кун келур, бўлғайсиз албат кўп пушаймон, қистиринг.

Ошкор этдим сирим, лек билмасин аҳли қалам,
Боиси, Носир қилур оламга достон, қистиринг.

Носир ЗОҲИД.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

2000 ЙИЛНИ КИ ҚАНДАЙ КУТАД

● Парижда 2000 йилни кутиб олиш маркази деб Сана дарёси белгиланган. Шунинг учун барча тантанали маросимлар дарё билан боғланади, улар ёки Сенада ёки Сена қирғоқларида ёки бўлмаса сув устида ўтказилади. Лиссабон шаҳрида ҳам асосий тадбирларни сув олдида ўтказишни режалаштиромқдалар. Маросимларда мусиқий томошалар, гуруҳлар чиқишлари ва мушакбозлик катта ўрин олади.

● Янги— 2000 йилни биринчилар қаторида эса албатта Океания аҳолиси кутиб олади. Танга ороллари қироли Тауфахау Тупунинг қарорига мувофиқ бутун Тонга аҳолиси ўз соатларини ёзги вақтга ўтказадилар ва шундай қилиб Тинч океани ороллари аҳолисидан бир соатга ўзиб кетишади. Қиролнинг ўзи эса барча фуқаролари билан 31 декабр куни пальмазорлардаги пляжга чиқиб, Янги йилни дўмбиралар садоси ва тунги қушларнинг қийчувлари остида нишонлайди.

● Британиядаги Миллениум Доумда 2000 йилни кутиб олиш марказига айлантирилган кўргазма мажмуида эса «Минг йиллик маҳсулотлари» кўргазмаси очилади. Улар орасида янги риссуарлар, электромобиль, мукаммаллаштирилган дизайнли тиш тозалаш чўткаси ва албатта ногиронлар курсисига михланган одамларга сув чеккаларида учиш имконини берадиган ускуналар ўрин олади. Бу янги маҳсулотларнинг барчаси охирги беш йил ичида Буюк Британияда ишлаб чиқарилган.

● Мисрда афсонавий француз модельери Пьер Карден бошчилигида янги лойиҳа тайёрланди. Гап шундаки, бир йил олдин Александрияда археологлар қирғоқдан 150 метр узоқликдаги сув остида қадимий шаҳарни топишган эди. Ушбу шаҳарда эса бир вақтлар Клеспатранинг саройи ва машҳур Александрия кутубхонаси жойлашган. Уммон остидаги саройни безаб турган Сфинкс ва бинолар қолдиқлари ҳанузгача сақланиб турибди. Сув остидаги бу мўъжизакор биноларни тартибга келтириб саёҳатчилар зиёратгоҳига айлантириш мумкин эди. Миср ҳукумати маблағ ажратмагач, Пьер Карден ушбу масканни тиклаш учун 50 миллион доллар берибди. Биринчи саёҳатчилар эса бу ерга 2000 йил арафасида ташриф буюради, деган эҳтимоллар бор...

XXI АСР САРИ

● Буюк Британиянинг энг ёши улуғ байкери 99 ёш кирди. У Бирмингемда истиқомат қилиб, охирги пайтларда икки ғилдиракли техникани таъмирлаш ва замонавий либослар яратиш устида иш олиб боради. Ёши улуғ мотоциклчининг 3 фарзанди, 3 набираси ҳамда 5 чевараси бор. У 15 та мотоцикль эгаси бўлиб, 5 ёшидан бошлаб турли ҳил кўрик танловларда иштирок этган. 500 мукофотни қўлга киритган Лено Валеонслоу исмли бу қариядан ҳукумат раҳбарлари ўз мотоциклида 2000 йилга кириб келишини, яъни қироличанинг ўзи иштирок этадиган Янги йил тантанали маросимида қатнашишини илтимос қилишди. Илтимос ошиғи билан бажарилади.

БИРИНЧИ ЧАҚАЛОҚ

● Янги минг йилликнинг биринчи чақалоғи Янги Зеландияда туғилиши тахмин қилинмоқда. Унинг туғилиш жойи борасида ҳеч қандай бахслар бўлмаслиги учун мамлакатнинг барча клиникаларидаги соатлари тўғрилаб олинган. Апрель ойидаёқ 100 нафар эр-хотин мамлакатнинг энг зўр меҳмоналаридан бирида тайёргарлик кўра бошлашган. Бахтли чақалоқ шифокорлар ёрдами орқали эмас, балки Оллоҳ амр этган вақтда дунёга келиши керак. Начора, хушхабарларни кутамиз.

Акс садо

● Материалларимиз газетхонлар муҳокамасида

«ЛАЙЛОНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?»

(«Адолат» газетаси, 1999 йил 19 ноябрь. № 37)

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, адлия маслаҳатчиси Наил Ҳабиббуллин, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноятларни тергов қилиш устидан назорат бўлими прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Рустам Тўраев, «Адолат»нинг махсус мухбирлари Тўхтамурод Тошев ҳамда Мурод Калонхоновларнинг «ЛАЙЛОНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?» сарлавҳали мақоласини ўқидиму қотилларнинг қилмишидан ғоят ғазабландим ва менда ҳам айрим мулоҳазалар пайдо бўлди.

Ҳа, «Ал-вакил» эстрада гуруҳининг хонандаси таниқли санъаткор Лайло Алиевани саҳналару тўй-ҳашамларда завқу шавқ билан куйлаганида қўшиқларидан маст бўлиб, етмиш икки мучасини муқом билан қимирлатишга ҳаракат қилиб, куй чалиб, мухлисларини маҳлиё қилиб турадиган ўз ҳамкасблари — шу эстрада гуруҳининг солистлари — Арутюнян Арсен Альбертович ва Сирожев Данис Владимировичлар ваҳшиёна тарзда ўлдирдилар. Эндигина гулгул очилиб, анчагина мухлис орттирган Лайло қотилларнинг қурбони бўлди. Санъат олами яна бир истеъдодли хонандадан жудо бўлди...

Бундан икки йиллар илгари А. Навоий номли Наманган Давлат мусиқали комедия ва драма театрининг яккахон хонандаси, таниқли актриса Турсуной Мамедовани ёвуз ниятли кимсалар ваҳшиёна қийнаб ўлдиргандилар. Энди эса Лайлони... Гарчи уларнинг қотиллари бошқа-бошқа бўлса-да, мақсадлари бир хил: ғаразлик ва санъаткорнинг бойлигига эга бўлиб олиш.

Эндигина 19 ёшга кирган Арсен, 21 ёшли Данис қотиллик ва талончилик мақсадларини режалаштирганда, қўлга тушиб қолишларини ўйлашганмикин? Ҳа, ўйлашгану, бироқ жиноятни яширамиз, сездирмаймиз, бирданига миллионер бўлиб оламиз, деб чучварани хом санашган.

Президентимиз И. А. Каримовнинг ўткир сиёсати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг матонатли, ҳушёр ҳаракатлари туфайли Республикамиздаги ўта оғир жиноятларнинг кўпи очиляпти. Бунга «Алвакил» эстрада гуруҳининг созандалари Арсен ва Даниснинг қотилликни қилиб қўйиб Москвага қочиб кетишлари, ниҳоят ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари томонидан қўлга олиниши ва олий жазога маҳкум этилиши ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Улган ўлиб кетди, қотиллар ҳам тегишли жазосини олди, лекин мақола муаллифларини бошқа нарса — санъат оламига суқилиб кириб олган шумғияларнинг, дайди-сайёр «отарчи»ларнинг маънавиятга етказаётган зарари ташвишга солади, улар ёзишади:

«Бу нарса енгил-елпи ҳаёт илинжида юрган ҳар бир текин-томомққа, шу жумладан, «замонавий эстрада» деган санъат оламидаги шумғияларга ҳам сабоқ бўлиши керак. Нечунким, улар аслида ўз қўшиқлари, мусиқалари билан одамларга эстетик завқ беришлари, тарбиялашлари лозим бўлгани ҳолда бўлар-бўлмас беҳаё, мантиқсиз «асар»лари ила салбий таъсир кўрсатишмоқда. Боз устига ўз турмуш тарзлари, аҳлоқсизликлари билан эл-улуснинг ихлосини қайтармоқдалар...

Бас, шундай экан, санъат оламини унга суқилиб кириб, осон йўл билан пул топиш воситасига айлантириб олаётган «отарчи» ношудлардан тозалаш вақти келди».

Даҳақиқат, худди шундай. Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги бир тўйда бўлганимизда «отарчи» аёл «қилиғингга қичиғим...» дея қўшиқ бошлади. Рости, қўшиқнинг давомини қоғозга туширадиган бўлсак, ҳатто қоғоз ҳам уялади, ор қилади. Тўй эгаси «отарчи»дан қаттиқ ранжиб, қўшиқни ярмида тўхтатирди. Ахир, туйхона ҳам маросим ўтаётган кунлари жамоат жойига айланади. 7 ёшдан 70 ёшгача (аслида чақалоқдан тортиб, 100 ёшдан ўтган чолу кампиргача) турли ёш ва турли касбдаги одамлар, шунингдек, мактаб ўқувчилари ҳам тўйда қатнашиши мумкин. Ахир, қўшнингникида тўрт томонга овоз кўчайтиргич қўйилган карнайлар бигиллаб тургандан кейин қандай чиқмай бўлади?! Борди-ю, қулоғингга пахта тиқиб олганингда ҳам карнай жаранглаб, асабингни эговлайверади.

Айниқса, бу ҳол баъзи-бир қишлоқларда тунги соат 1-2 ларгача давом этадики, ўша кунги ороминг буткул бузилади...

Андижонда «Водий садоси» деган махсус радиотўлқин бор, ўрисчасига «Эхо долины». Ҳам ўзбек, ҳам рус тилларида тинимсиз эшиттиришлар беришади, кўпроқ қўшиқларни. Аввало шуни айтиш керакки, «Водий садоси»нинг эшиттиришлари ниҳоятда ёқимли, мавзуларининг ранг-баранглиги ҳам чакки эмас. Бироқ минглаб ўз мухлисларига эга бўлган бу эшиттиришларни берувчилар ҳам, менимча, баъзан-баъзан чалғиб қолишади.

Агар синчиклаб кузатадиган одам бўлса республикамиздаги турли радиотўлқинлардан таралаётган маза-матрасиз қўшиқлардан, тўю ҳашамлардаги «хизмат қилаётган» «отарчи»ларнинг «ҳиринг-ҳиринг»ларидан юзлаб мисолларни қалштириб ташлаши мумкин.

Шоир оғайниларимдан бири ёрилиб қолди: эмишки, «отарчи»лардан бири шоирдан севги-муҳаббат ҳақида ялоғоч бир қўшиқ ёзиб беришни, эвазига 200 доллар беришликни таклиф қилибди.

— Қаранг, — дейди шоир, — саёқ бир «отарчи»га суюқ бир шеър ёзиб берармишману, у менга 200 доллар, агар қўшиқ оммавийлашиб кетса, яна 100 доллар берармиш.

— Рози бўлавермабсиз-да, битта шеър учун жа бўлса 200 сўм гонорар олардингиз, ҳолбуки у сизга оладиган қалам ҳақингизга нисбатан 700-800 баравар «гонорар» таклиф қилибди, — дедим. Ҳазилимни тушуниб, бир кулиб қўя қолди оғайним...

Айни кунларда ўзи ёзиб, ўзи куйлайдиган «қўшиқчи»лару ва унга куй басталаб берадиган «бастакор»лар ҳам учраб турарди. Қолаверса, уларга ялоғоч шеър ёзиб берадиган «назм»чилар ҳам йўқ эмас. улар учун бепул бўлса бас. Маънавият нима бўлса бўлар дегувчи бундай кимсаларга асло тоқат қилиб бўлмайди.

Тўғри, уларнинг ҳаммасини бир қолипга солиб, баҳолаб бўлмайди. Фарғонада бир қўшиқчи бор. «Бойлар кўпайсин» қўшиғининг муаллифи Республика «Нуроний» жамғармаси раисининг ўринбосари Эркин ака Ҳайитбоевнинг айтишича, қўшиқни хотини ёзиб берар, эри эса унга куй басталаб куйлар экан. Аслида бундай ҳамкор санъаткорларга тан бериш керак.

Шеърият — бир жиҳатдан олганда гўзаллик, нафосатнинг рамзий шакли. Лекин ялоғоч «шеър»лар ва куйга солиниб ижро этилаётган «қўшиқ»лар кишини гўзаллик, нафосат сари эмас, аксинча, тубанликка, чоҳга етаклайди, қотилликларнинг, тартиббузарликларнинг бир қисми ана шундан келиб чиқади. Тўғри, кимдир мисраларини қулқоғозга ўраб чиройли гулдаста шаклида ўқувчиларига тақдим этса, кимдир буни эплолмаслиги, мухлисларга соддароқ гулдаста тақдим қилиши мумкин. Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, гул ҳам, тош ҳам ўз ўрнида керак. Қолаверса, бу ўринда табиат ато этган истеъдод деган нарса бор.

Воҳ, шоир кўпайиб кетяпти, лекин ҳақиқий шоир кам, деб надоматлар чекиш ҳам унчалик ўринли эмас. Адабиётда майдон кенг, бировнинг ўрнини иккинчи бир киши эгаллаб ололмайди. Вақт, замон, макон деган нарса шундай зўр бир ҳакамки, ўзи сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб олаверади, дейишингиз мумкин. Лекин адабиётшуносликда талабчанлик бўлиши керак, лекин бағрикенгликни бошбошдоқлик, тартибсизлик, беҳаёлик деб тушунмаслик лозим. Улғлар ҳамиша юксак маънавиятни эъзозлаганлар.

Яна мақолага қайтамиз:

— Аввало, шуни алоҳида қайд этиш керакки, муаллифлар таъкидлаганларидек, «Алвакил»нинг юқорида номлари тилга олинган шиноятчи солистлари санъат оламига меҳр ва муҳаббат туфайли эмас, енгил-елпи ҳаёт ишқида, осон пул топиш илинжида киришган эди. Улар юнларини ўртаб санъатни юксалтириш, талачан, дидли мухлисларни мамнун этишни эмас, кўпроқ қандай қилиб бўлмасин ҳамён қаппайтиришни ўйлашарди ва бу мақсадлари йўлида ҳар қандай пасткашликка ҳам тайёр туришарди. Маза матрасиз, маънисиз қўшиқларни айтиб, бемаъни ҳатти-ҳаракатлар қилиб ўзларига ўхшаш дидсиз, маънавияти йўқ мухлисларни «мамнун» этишар ва шу йўл билан уларнинг киссаларида пулларини қоқиб олишни мўлжаллашарди.

Аммо кейинги пайтларда бу ноаҳлоқий, гирром йўл билан санъат оламида узоқ қолиб бўлмаслигини ҳам сезиб қолишди.

Тўғри-да, халқимизнинг санъат бўстонидаги бу шумғияларни эртами-кечми юлиб ташлаши ҳам аниқ эди-ку? Узларини «замонавия эстрада дасталари деб эълон қилган қатор ношуд гуруҳларнинг матбуот, радио ва телевидениеда кетма-кет танқид қилингани (жумладан, «Ал-вакил» ҳам) бунинг исботи».

Бироқ, «Санъат оламини унга суқулиб кириб, осон йўл билан пул топиш воситасига айлантириб олаётган «отарчи» ношудлардан тозалаш»ни бир-икки мақола билан ҳал қилиб бўлмайди.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази, Республика халқ таълими вазирлиги, Республика маҳалла хайрия жамғармаси, Республика «Нуроний» жамғармаси ҳамкорликда зарур тадбирлар белгилаб, унинг жойларда амал қилинишини келишиб олсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Қолаверса, бу мавзу ҳамиша жамоатчилик эътиборида бўлиши лозим. Зеро, бизнинг шарқона, яна ҳам аниқроғи ўзбекона урф-одатларимиз ҳам, маънавият-мафкурамиз ҳам шуни тақозо қилади.

Икром РАСУЛОВ,
журналист.

Олимжон БЎРИЕВ,
Жаҳондор БЎРИЕВ.

АЛП ЖАМОА

Достон

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Тарихни титкилаб, кейин шу янглиғ,
Топди ёш боланинг дили равшанлиғ.

Дедики: «азалдан шу экан қисмат,
Минг бора тешилган пардаи исмат.

Бойқаро ўлими, хароба Ҳирот,
Шайбонийхон кирди остида оқ от.

Саройда энг гўзал Қоракўзбегим,
Сенга насиб бўлди шоҳи ўзбегим.

Таърифу тавсифи кўп кўнглига таъсир.
Қилиб Шайбонийхон кўнглига таъсир.

Қовушган чоғида айлаб «ғалвирак»,
Чўчитди хонни лек ноэли «ғилдирак».

Хадичабегимни сўнг Мансур бахши,
«Эркалаб», ҳам олди жонини яхши.

Хуни тутиб уни Мўъмин Мирзони,
Қилмишга яраша елди жозони.

Тарих кечирмагай ким кетса катта,
Ҳар ишнинг жавоби бўлгай албатта,

Шайбонийхон чиққач «сархаддан узоқ»,
Исмоил Сафавий қўйдирди тузоқ.

Ўргамчик пашшага ўрагандек тор,
Ҳолини ғаними айлади ночор.

Калла суягидан ясатиб заржом,
Уни майхўрларга айлади инъом.

Сафавийлар олгач Ҳиротни босиб,
Кейин ишлар бўлди кўп номуносиб.

Суннийларга қарши шиалар кураш.
Бошлашиб, юз берди ихтилоф, нураш.

Темурийлар даври тугаган замон,
Парчаланиб кетди она Туркистон.

Майда хонликларга бўлиниб бу юрт,
Кемирди ҳар бири илдизини қурт.

Самарқандку пойтахт бўлолмади чўнг,
Кучайди Бухоро амирлиги сўнг.

Жадал ривож топмай фаровонлиги,
Пайдо бўлди Хева, Қўқон хонлиги.

Бирининг устига бири ташланди,
Кейин бир-бирини ғажиш бошланди.

Нисбатан инкишоф топганди Қўқон,
Шоир Амир Умар сурганда даврон.

Гўзал Моҳларойим унга бўлиб ёр,
Икков биргалашиб битарди ашъор.

Оламдан Умархон этганда вафот,
Нодира бегимни хўрлади ҳаёт.

Юртга босиб кириб Амир Насрулло,
Шоирани этди бошидан жудо.

То навбат етгунча Худоёрхонга,
Кимлар ўтирмади тахти Қўқонга.

«Тарқоқ феодаллар» бу юрт олди ном,
Кофир босиб келиб сўнг этди ҳаром.

Аввал таслим бўлди Хеванинг хони,
Ширинроқ, кўринди ўларнинг жони,
Руслар сўнг забт этди Қўқону Шошни,
Тандан жудо қилди ҳар мағрур бошни.

Бухоро Амири курашиб қаттиқ,
Тиғга қарши дадил кўтарганда тиғ.

Сулҳ тузиб босқинчи кучлар ноилож,
Лекин тахдид ила сўраб турди бож.

Сўнгги довюракли Саййид Олимхон,
Эмасди унчалар нодон, золим хон.

Гарчи «йўқучи» деб баъзи бир шоир,
Маломат айламиш у зотга доир.

Сариқ вабо кезди юртда юз йиллаб,
Қўрғошин ўлати учди чийиллаб.

Ўрислашиб борди беполён бу юрт,»
Дин, миллат қалбини кемирди бир қурт.

Уларга ён босган ҳар сотқин номард,
Яхши яшаб, бўлди қолганлари сарт.

Кейин Ленин келди турмадан чиқиб,
Юрти буржуйларин лаҳадга тиқиб.

Жаҳон бино бўлиб вахший элкезар,
Туғилмаган бундоқ, бир каллакесар.

Оқлошшо ўн марта уни этди авф,
Валекин ўлатдан даҳшатли бу хавф,

Унинг бешикдаги боласигача,
Ҳали очилмаган лоласигача,

Қиличдан ўтказди, ер билан топтаб,
Олди ҳукуматни ўз қўлига заб.

Кейин чор-атрофга бошлади қирғин,
Биринчи душмани унинг эди дин.

1 «Қуда тараф» — НКВД ходимлари.

(Давоми бор).

Руҳият

ЁҒДУ

Ажаб, бундай синоатга биринчи бор дуч келишим... Бир ҳафта — ўн кундирки, кечалари бир хил туш кўраман. Тушларимда тинимсиз қор ёғади, холос. Қуёш чиқиб турган ёнки ой, юлдузлар чарақлаётган паллаларда ҳам, ҳатто шишадек тип-тиниқ осмондан қор ёғаверади, ёғаверади.

Баъзан барқ уриб очилган гуллар узра, баъзан саратон оловида жизғанаги чиққан саҳроларга ҳам сассиз қор ёғаётганини кўраман. Ерталаб туриб беш-ўн танга садақа қилиш кўнглимдан ўтади, сирли тушларимнинг таъбирига қизиқаман. Кимдир қор-оқлик, яхшилик деса, кимдир, тушда қорни кўрган одам яқин орада касалликка чалиниши мумкин, деб қаердадир ўқиган таъбирини айтади. Мен бу гапларнинг ҳеч биридан қониқмайман. Тушларимнинг сабабини қишдан излайман. Қорни кутаётган, уни соғинган табиатнинг узвий бир қисмилигим боис бундай туш кўришим табиий, деган хулосаларга-да бораман.

Агар тушларимни кеч кузакнинг зилол сувларига айтсамчи... Эҳ, шундай қилсам яна бир бошқа синоатга рўбарў келишим аниқдек туюлаверади. Яъники, аёзни, қорни қўмсаётган сувлар ҳам ичимдан келган қиш нафаси баҳонасида юзларига юпқагина муз парда тортиб оладилар-да, шаффоф ойналарга айланадилар. Ул ойналарда эса тушларимдаги ўша манзара баайни такрорланиб акс этади: қор, қор, қор...

Абдулла СОДИҚ.

АЖДАРҲО (БАЛИҚ) ЙИЛИ



Кимда-ким ушбу йилда туғилган бўлса, жуда яхши сиҳат-саломатликка эга бўлиб, сергайрат ва беғубордир, пасткашлик, тилёғмалик ва ғийбат уларга бегона. Ишонувчан ва ростгўйлар, кўпинча ёлғон-яшиқ гаплар туфайли ўз тинчлигини йўқотади. Баркамолликка интилиш уларни ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан қилиб қўяди. Улар кўп нарсани талаб қилишади, лекин талабларидан кўра кўпроқ ишни ўзлари амалга оширишади. Виждонли, таъсирчан ва довюрак кишилар бўлиб, уларга бемалол ишониш мумкин. Самимий киши бўлиб, одатда билдирган фикр-мулоҳазалари ҳамиша асосли бўлади. Соддаларча ишонувчанликлари туфайли, уларни алдаш мумкин. Шу билан бирга, улар серфарзанд бўлиб, баъзан тилларига эрк бериб юборишади. Бироқ уларнинг фикр-мулоҳазаси билан ҳисоблашиш керак, чунки яхши маслаҳат беришади. Қизиқиб, дарров ишга берилиб кетишади. Истеъдодли, ўқимишли ва иродали кишилардир. Бутун умр ҳеч нарсадан зориқишмайди, ҳар қанақанги ишда ҳам муваффақият қозонишлари мумкин. Қайси касбни танлашмасин, доимо ғалаба қозонишади. Улар кўпинча, ҳамма учун севимлидирлар, бироқ ўзлари бошқаларни камдан-кам ҳоллардагина ёқтиришади. Ҳеч қачон муҳаббат умидсизлиги ёки доғу алами уларнинг бошидан кечмайди. Аммо ўзлари муҳаббат можороларига сабабчи бўлиши мумкин. Бу мучалда туғилганлар камдан-кам ҳоллардагина ёшлигида оила қуришади, баъзилари ҳатто умр бўйи танҳо яшашади. Бироқ бу улар кўнглини чўктирмайди, аксинча, ёлғиз яшаганда кўпроқ бахтиёр сезишади. Қарз олишни ва узундан-узун гапиришни ёқтиришмайди. Раҳмдилликка мойил бўлиб, баъзан қисқа муддатга бўлса-да, бундай бошқаларнинг фойдаланиб қолишига йўл қўйишади. Кўпчилигининг муомаласи оғир, жинсий қониқмасликдан қийналиб юришади. Шоиртабиат жўшқинликлари туфайли бутун умр кўплаб муаммоларга сабабчи бўлишади. Бироқ кексайганда бахт-саодатга ва барча истакларининг амалга ошишига эришишади.

Қучоғимиз

Муҳтарам Эркин ҚОДИРОВ!

Сизни қўшалоқ байрам — Янги йил айёмингиз ва кириб келаётган 2000 йилнинг 1 январида 50 ёшга тўлганлигингиз билан чин қалбдан муборакбод айлаймиз. Бу даврнинг унутилмас онлари эл тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек шарафли ишга йўғрилганлигидан мамнунмиз. 50 ёш Сиз учун камолот ёши бўлиб қолсин. Ватан, халқ учун хизмат қилиб асло чарчаманг. Оллоҳ умрингизни зиёда, ризқингизни улуғ қилсин. Фарзандларингизнинг роҳат-фароғатини кўриб, доимо сурхондарёликларнинг ардоғида юринг!

Бир гуруҳ дўстларингиз.

Узбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 28 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 140 сўм 00 тийин.

Хотира — қалбдаги ҳайкалдир

Кимки ота-онасининг кўзи тириклигида дуоларини олиб, рози қилолса, бахтиёр бўлишга ҳақли. Устозлари измидан бориб, саҳоватпеша ва мурувватли бўлиб, соф кўнгил ва тўғрисўз, мард ва етим-мискинларга ҳамдард, меҳрибон ва хушхулқли, фарзандлари ва аҳли аёлига вафодор, билимли ва меҳнатсуяр, адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилишга қодир, инсоний ҳислатларни қадрловчиларгина эл назарига тушади. Шундай хислатлар эгаси бўлган Боқижон ака Зоҳидов ота-онасининг дуосини олган азиз ва мўътабар инсон эди.

ОТА ДУОСИ

Ўн беш йиллик ижодий фаолиятим даврида не-не улуғ инсонлар билан такрор-такрор учрашиб, уларнинг мароқли ва ҳикматларга йўғрилган суҳбатларини тинглаш менга насиб этди. Боқижон ака мард, меҳмондўст, ниҳоятда сахий, ўз фикрини дангал изҳор эта оладиган, тўғрисўзликда тенги йўқ эди.

Бир неча йиллардан буён у киши ҳақида ёзишни ният қилардим. Боқижон ака ҳақида ўлаяпману, азиз умрини эли юрти фаровонлигига бахшида этган, одамлар «домла» деб эъзозлаган фарғоналик Алижон Пайғамов, юзлаб шогирдлар тарбиялаган, барокатли инсон Иброҳим Каримов, машҳур ёзувчи, Узбекистон журналистикаси дарғаларидан бири, устозим Мақсуд Қориев, қишлоқ хўжалиги илми сир-синоатини мукаммал эгаллаган, элга «бой ота» деб таърифи кетган жиззахлик Мўмин Қаҳҳоров, Қашқадарёни боғу бўстонларга айлантиришга астойдил бел боғлаган, боғдорчилик соҳасининг устаси Зариф Бурхонов, Янгийўлда «ота» деган табаррук номга сазовор бўлган, эли юрти учун бор билими, тажрибаси ва ғайратини бахшида этган Ўлмас ака Машариповлар бир-бир кўз ўнгимда намоён бўлади. Ҳа, Боқижон ака ҳам шундай улуғлар қаторида Оллоҳ иноят кўрсатган ажойиб киши эди.

У минг тўққиз юз йигирма саккизинчи йили Марғилоннинг Теракгаги маҳалласида туғилганди. Отаси Зоҳидқори Маткаримов дунёвий ва исломий билими ўткирлиги билан Фарғона водийсида номи чиққан, зурриётини покиза асраган инсон эди.

Улуғ алломалар дейдиларки, «Оллоҳ отага нимани берган бўлса, ўғилга ҳам ўшани беради». Боқижон акага ҳам отасидан доноларга хос хулқу одобдан мерос қолганди. Бу меросга содиқлиги учун эл орасида эътиборли, ризқи улуғ бўлди. Умрининг учдан икки қисмини турли жабҳаларга раҳбарлик қилиб ўтказди. Қаерда ишламасин яхши деган ном қолдирди. Юзлаб шогирдларига устозлик қилди. Одамлар дардига шерик бўлди, уларга сахий қалби тўридан жой ажратди. Унинг ҳузурига ким келса, ҳеч қачон ноумид бўлиб қайтмаган.

Боқижон ака туғилиб ўсган покиза ва файзли ҳовлидамиз. Ҳар бир фикрини муниса аёлларга хос ҳаё ва ибо билан билдиришга одатланган оналар билан суҳбатлашсангиз дилингиз яйраб кетади. Бу ёруғ оламда яхши одамлар жуда кўп эканига иймон келтирасиз.

Мастура хожи она Зоҳидова бу йил олтмиш беш ёшга кирдилар. Қирқ икки йил Боқижон ака билан биргаликда ибратли умр кечирди. Тақдири шу экан. Боқижон ака оламдан ўтгач, мана тўрт йилдирки ёлғиз ўзи тўрт ўғилу, беш қизга ҳам она, ҳам ота. Этак-этак набираларига меҳрибон ва суюкли буви.

— Худойимга минг қатла шукур, фарзандларимнинг ҳаммаси отасининг изидан боряпти, — деб шукроналар келтиради у. — Айниқса, катта ўғлимиз Козимжон худди отасининг ўзгинаси. Юз кўзи, қалби, хислатлари ҳам олийжаноб. Шундай фарзандлар туғиб тарбиялаганимдан минг бора розиман. Тўққиз фарзанд тўққиз олам. Уларни яхшиликларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Она учун фарзандлар камолини кўришдан, уларнинг орқасидан «раҳмат» деган сўзларни эшитишдан ортиқ бахт борми, дунёда? Ҳар бир сўзи ҳикматлар билан йўғрилган, момоларимизнинг миллий анъана ва маънавиятини асраб авайлашнинг уддасидан чиқа олган пиру бадавлат онага фарзанд бўлиш ҳам бир бахт. Қани эди, ҳамманинг онаси шундай бўлса.

— Бир минг тўққиз юз саксон тўртинчи йилнинг ўн учинчи октябри эди, — деб суҳбатини давом эттирди у. — Оиламиз бошига туҳмат тушди. «Ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан яратганнинг ўзи сақласин» деб бежиз айтилмаган экан. Обрўли одамларни кўролмай хасад ўтида қоврилиб, уларга тош отувчи ноинсофлар ҳам учраб тураркан. Ўюштирилган туҳмат оқибатида турмуш ўртоғим қамалиб қолди. Ҳамма ҳайрон. Наҳотки шундай инсонга туҳмат қилишса-я? Роппа-роса тўрт юз кечаю кундуз Боқижон ака адолатсизлик азобини тортди.

Бетоб отаси, аҳли аёли, фарзандлари ҳам азобда қолди. Инсон ҳамма нарсага сабр қилар экан. Аммо ҳақсизликка ҳеч чидамас экан.

Ҳа, ўша йиллари Фарғона вилоятида эътиқоди мустаҳкам, обрў-мартабали, фикри қатъий, ҳаёт маъносини теран англаб етадиган, маънавияти юксак, хушомадгўйликни ёқтирмайдиган, тўғрисўзни қўрқмай айта оладиганларга пинҳона тазйиқлар ўтказиш «урф» бўлганди. Айрим таъмагир, шахсий ҳузур ҳаловатини ўйлайдиган, қариндош-уруғ манфаатини ҳар нарсадан устун қўювчи, корхона ва ташкилотлар раҳбарларини «гаҳ» деса қўлига қўндириб олишга устаси фаранглар пайдо бўлганди. Улар қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмас эдилар. Йўлига кирмаганларга ҳуқуқ-тартибот органларининг айрим ноинсоф вакиллари билан ўзаро тил бириктириб тазйиқ ўтказишарди.

Боқижон ака ана шундай диёнатсиз, қабиҳ ниятли ифлосларнинг чангалидан мардларча омон чиқди. Ўз сўзида метиндек ирода билан қатъий тура олди. Тергов жараёнидаги не-не қийноқларга дош берди. Туҳматлардан иборат айбни бўйнига олмади. Ҳайрон қолдирадиган матонат соҳиби эканини кўрсатди. Шундай бўлса ҳам оқни қора деб вилоят суди Боқижон Зоҳидовни ўн йилга озодликдан маҳрум этди...

Ҳақиқат минг эгилса ҳам синмади. Адолат ўз қудратини намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир раҳбар тақдири билан боғлиқ бўлган адолатсизликка чек қўйди. 1995 йилнинг 10 ноябр куни таркибида жиноят аломатлари йўқлиги учун унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бекор қилиниб, Боқижон ака Зоҳидов озодликка чиқди. Унинг покиза номи поклигича қолди... Сабр-тоқат, чидам-бардош адолатсизликни адолатга, ҳақсизликни ҳаққа ажратиб берди.

Кимлигидан қатъий назар, қабиҳ ниятли, маънавиятсиз кишиларга аллоҳ жазо бериши муқаррар экан. Ўнлаб инсонларнинг озод ҳаётига, мисқоллаб йиққан обрўсига тажовуз қилганлар бугун чет элларда ватангадо бўлиб юрибди. Кўпчилик нафрати, лаънати, оналар қарғишига дучор бўлганларнинг тақдири шундай аянчли...

Эссиз, эссиз, тергов жараёнидаги қийноқлар, жисмоний ва маънавий тазйиқлар Боқижон аканинг соғлом жисмига таъсирини ўтказиб улгурганди...

Ижодкор сифатида бир инсон тақдири тарихига саёҳат қилдик. Кўп ажойиб ҳикматли умр соҳиби ҳақида билмаганларни билдик. Муқаддас китобларда Қуръонни ёд олиб, унинг маъноларига беҳуда чуқур кетмаган ва уни тарк қилмаган қорилар руҳини ҳурматлаш — тангрини улуғлаш билан баробардир дейилган. Боқижон ака падари бузрукворини беқиёс улуғлади. Кўп китоб мутоала қилиш қори отасининг кўз нурини сўндирганди. Ёруғ оламни кўролмай қолган отага ўн кун эмас, юз кун эмас, етти йил бошқаларнинг талашиб тортишишига кўнмай, ўз қўли билан овқат едиргай оқил фарзандлар ҳам бор. Келинг, шундайлар ҳақига дуолар қилайлик! Меҳрибонлик бобида тенги йўқ, худо берган қобилият, ақл-идрок, саҳоват соҳиби руҳи қошида бош эгиб, у ҳақда ёзиш насиб этгани учун Оллоҳга шукурлар қиламан.

— Дўстларни қадрига етадиган, садоқатли, уларга фақат яхшиликни раво кўрадиган инсон эди, — деб эслайди дўсти Қобилжон ака Қодиров. — Тошкентлик Боситхон Эшонхўжаев, марғилонлик Абдуҳаким Охуновлар билан ёшликдан то умрининг охиригача дўст бўлди. Ҳамма ҳавас қиларди. Улар бир-бирлари учун керак бўлса жонини ҳам аямайдиганлар эди. Дўстлар манфаатини ўзиникидан устун билишарди. Энди уларнинг фарзандлари бу дўстликни давом эттиришаётир. Оталар анъаналарини эъзозлаганларнинг топганларига барака кираверади.

Пайғамбаримиз «Мен етимнинг кафиллигини олган одам билан жаннатда бирга бўламан» деган эканлар. Боқижон ака ҳам етим-мискинларга доим мурувват қўлини чўзар эди. У Йигитали деган сағир болани боқиб олди. Уни ўз фарзандидек тарбиялаб, вояга етказди. Оталик қилиб уйлантирди. Уй-жой солиб берди. Мустақил ҳаётга кузатди. Бобомиз Алишер Навоий айтганларидек, «Ким бир кўнгли синиқнинг хотирин шод айлагай, онча борким каъба вайрон бўлса обод айлагай». Меҳрга меҳр улашиб кетади. Ота-онага, одамларга қанча кўп меҳр кўрсатсангиз, бошқалардан кўпрок меҳрибонлик оласиз.

— Президентимиз Ислом Каримовни жуда эътиқод билан ҳурмат қиларди, Ўзбекистонимизнинг буюк келажагига ишонарди, — дейди ўғли Козимжон Зоҳидов. — Нилуфар қизимиз энди беш ёшга қадам қўйди. Ойнаи жаҳонда қачон Президентимизнинг нурли сиймоси кўринди дегунча бобосига ўхшатиб «мана менинг опоқим, опоқим қачон келадилар» деб йиғлай бошлайди. «Биз «опоқинг ҳажга кетган, яқинда келади» деб унинг мурғак кўнглини кўтарамиз. Ҳа, барча оила аъзоларимиз, марғилонликлар, Ўзбекистон халқи бахтига Ислом Каримов соғомон бўлсин. Узоқ умр кўрсин. Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин. Сайловда юртбошимиз Ислом Каримовни Президент этиб сайлаш биз учун улуғ бахт. Ислом Каримовга тақдирнинг буюк иноятн насиб этишига ишонаман».

Боқижон ака ҳақида достонлар битиб, китоблар ёзса арзийди. У ҳаёт бўлганида шу кунларда етмиш иккига кирарди. Зеро, улуғ айём рўза-рамазон кунлари ўтганларнинг руҳларини шод айламоқ савоб ишдир.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

Бозорқўм раддия сўрабди...

АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ, СЎНГРА НОҒОРА ҚОҚ

Чиноз тумани деҳқон бозорлари акциядорлик жамияти раиси Исмат Қосимов газетанинг танқидий чиқишига аввалдан «мушт» кўтарди ва аммо...

Бозор — юрт кўзгуси. Шу туфайли ҳам кейинги пайтда Ўзбекистоннинг деярли барча жойларида янги, замонавий бозорлар қуриляпти, эскилари таъмирланиб, ободонлаштириляпти. У ерлардаги тўкинчиликни кўриб дил яйрайди. Пештахталарда жондан бошқа ҳамма нарса бор. Лекин иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. «Беайб парвардигор», дейдилар. Ана шу камчиликлар газетадами, радио ёки телевидениедами танқид қилингудек бўлса, ўзини билган, танқидни тўғри тушунган раҳбарлар дарҳол нуқсонларни тузатиш чораларини кўришади. Бундан фақат халқ — сотувчи ҳам, харидор ҳам фойда кўради.

Аммо айрим жиззаки раҳбарлар борки, танқидни тан олиш ўрнига дарҳол қарши ҳужумга ўтишади. Турли-туман усулларни қўллашади. Ҳатто мухбирларга туҳмат тошини отишиб, бўҳтон уюштиришдан ҳам тап тортишмайди. Чиноз туман деҳқон бозорлари акциядорлик жамияти раиси Исмат Қосимов шундайлардан чиқиб қолди. Газетамизда бозордаги тартибсизликлар, антисанитария ҳолати танқид қилингач, унда қаламга олинган нуқсонларни бартараф этиш, пировардида эл олқишини олиш ўрнига муаллифдан уч олмоқчи бўлди.

Газетамизнинг 26 ноябрь сонида «Чиноз бозоридаги доғлар» сарлавҳали мақола эълон қилингач, унда айтилган фикрлар «Тошвилоятбозорсавдо» ташкилотида муҳокама қилинди.

«Чиноз» бозорида тартибсизликка йўл қўйгани учун «бозорқўм» Исмат Қосимов жаримага тортилди. Катта назоратчи Абдусаттор Низомиддинов ҳам жарима тўлади, ҳам лавозими пасайтирилди. Мана шунинг ўзи фактлар тасдиқлангани эмасми? Аммо «бозорқўм» жаноблари бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига аламидан ёниб, «ётиб қолгунча отиб қол», қабилида иш тутади. Аламзадаларни атрофига тўплаб, гирт ёлғон-яшиқдан иборат «тушунтириш хатларини кимларнидир қумагида ёздириб олади.

Газета мухбирини ҳақиқат учун танобини тортиб қўйиш мақсадида уялмай-нетмай туҳмат уюштириб, раддия талаб қилади. Мана унинг хатидан айрим сатрлар:

«... Шу йил 21 ноябрь, якшанба куни газета мухбири Каримжон Рихсиев Чиноз деҳқон бозоридаги аҳволни ўрганиб чиқиб, газетада танқидий мақола чоп этган. Ваҳоланки, мақоланинг бошидан охиригача бўҳтон, туҳмат ёзилган. Чиноз туман аҳолиси обрўсига доғ тушириш у кишига нега керак бўлди, тушунмаяпмиз»...

«... Лекин бозор антисанитария ҳолатида дегани мутлақо бўҳтон. Яқинда ветсанэкспертиза лабораториясига янги хона ажратдик. Ҳаммаси рисоладагидек, десам муболаға бўлмайди. Ветврач, лаборант соат эрталаб еттидан кеч соат бешгача ишда бўлади. Назоратни кучайтирганмиз».

Юқорида баён қилинган мақола 26 ноябрь куни чоп этилган. Норозилик хати эса 22 декабрда ташлаб кетилган. Биз уни кўздан кечирар эканмиз, хатдаги норозилик, аччиқ-қуруқ гапларни ўқиб хайрон қолдик. Айниқса, «Сиздан газетада раддия чоп этилишини сўраймиз», деган жумла бизни таажжубга солди. «Наҳотки шунчалик катта хатога йўл қўйибмиз», деган хаёлга бордик. Ҳеч иккиланмай мавжуд ҳужжатларни ва аҳволни қайтадан ўрганишга киришдик. Маълум бўлишича, газетада чоп этилган танқидий мақола муҳокамасига бағишланган ва 29 ноябрда бўлиб ўтган мажлисда раис жаноблари ходимларига: «Бозорда тартиб-интизомни, тозаликни, хушмуомалаликни янада юқори даражага олиб чиқиш, «прейскурант» асосида патта пулларини ўз вақтида йиғиб олиш ва режани бажаришини» яна бир бор таъкидлайди. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Алқисса, бозор ветсанэкспертиза лабораториясининг иш фаолиятини шу йил 15 декабрда текширган Чиноз тумани бош ветеринария врачи муовини Фахриддин Файзуллаев, ветеринария эпитоотолог врачи Муҳиддин Мирахмедов, ветеринария лабораториясининг директори Фарҳод Мирахмедовлар тузган далолатнома мухбирнинг ҳақ эканлигини исботлаб турибди.

«... Бозор ҳудудида еттита полиз маҳсулоти, 43 та сабзавот маҳсулоти, 6 та сут маҳсулоти, 13 та тузланган салатлар, 4 та калла-поча сотаётганлар текширилганда маҳсулотларнинг сифати, яроқли эканлиги тўғрисида маълумотлар йўқлиги, сотувчилар иш ҳолатлари билан таъминланмаганлиги аниқланди. Шунингдек, расталар ифлос, тозаланмаган. Сотувчилар соғлиги ҳақида тиббий кўрикдан ўтмасдан тегишли рухсатномалари йўқ бўлган ҳолда савдо қилишмоқда.

Кассоблар сотаётган гўштлар қушхонада сўйилмаган бўлсада, гўштнинг сифати ҳақида маълумотлар берилган. Ваҳоланки, лабораторияда ҳеч қандай экспертиза қилиш шароити йўқ. Экспертиза учун намуналар олинмаган.

Бозор ҳудудида сотилаётган маҳсулотлар учун юргазилаётган журналлар тўлиқ ёзилмаган. Маълумоти йўқ бўлган ёш қизча журналларни тўлдирмоқда. Бозор ҳудудида тозалаш, таъмирлаш ишлари олиб борилмаган. Рухсат этилмаган ҳайвон калла-почалари ҳали ҳам бозорда сотилмоқда.

Ветеринария бўйича қонун талабларини қўпол равишда бузганлиги учун ветсанэкспертиза лабораторияси лаборанткаси Жонузокова Ғузалга 875 сўм миқдорида жарима солиниб, ундирилди. Тузланган салат сотувчиси Маматова Зарима ва калла-поча сотувчи Полвонова Ҳилолага ҳам 875 сўмдан жарима солинди ва ундирилди. Муҳаммаджонова Шаҳло, Шерматова Доно, Абдуллаев Фарҳод, Ким Мария, Қурбонгалиева Марзиялар огоҳлантирилди».

Бизнингча бошқа изоҳга ҳожат бўлмаса керак!

Энди бозорнинг озодалиги, сотилаётган маҳсулотларнинг сифатига бевосита жавоб берадиган шахс — марказий бозор «Ветсанэкспертиза» лабораторияси мудири Саид Эрхўжаев фаолияти ҳақида бир оғиз айтиб ўтмасак бўлмайди. У киши ўзларини ғоятда ишчан кўрсатишни хоҳлайдилару, айбларини юзига солсангиз тан олмай, қорани оқ, оқни қора деб юбораверади.

Чиноз туман бозоридаги антисанитария ҳолатига йўл қўйганлиги учун Саид Эрхўжаев «Адолат» газетасида танқид қилингандан сўнг унинг тўғишган акаси, яъни тирговучи — бир вақтларда «Савдогар» газетаси ва бугунги кунда «Қадрият» газетасида ишлаётган Ғураҳўжа Эрхўжаев уни қандай қилиб бўлмасин ҳимоя қилишга киришиб кетди.

Шу йил ёз ойларида мухбирларимиздан бири (ҳозир у бошқа ерда ишлаяпти) Чиноз-га бориб, бозордаги тартибсизлик ҳақида ёзмоқчи бўлганда Ғураҳўжа Эрхўжаев муҳаррирятга қўнғироқ қилиб, Саид Эрхўжаев ўқаси бўлишини, танқид чиқармасликни илтимос қилганди. Агар шундай мақола чоп этилса, юқори ташкилотларга арз қилишини айтган. Биз ўшанда Т. Эрхўжаевнинг дўқ-ёзуписасидан қўрққанимиз учун эмас, касбдошимизни ҳурмат қилганимиз учун «шайтонга ҳай» берган эдик.

Маълум бўлишича, муҳаррирга юборилган норозилик ҳатида ҳам Т. Эрхўжаевнинг айнан иштироки бор. (Ушбу хатни унинг столи устида кўрганлар бизга тушунтириш хати ёзиб беришган. У таҳриятда сақланмоқда). Қоларверса, хат бозорқўм қўли билан ёзилганлигига шубҳа қиляпмиз. Уни кимнинг қўли билан ёзилганини зарур бўлса мутахассислар аниқлаб беришади...

Яна бир гап. Шу йил Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг махсус буйруғи билан тасдиқланган давлат комиссияси вилоят давлат ветеринария тизими раҳбар ходимларини 23 сентябрда шаҳодат синовидан ўтказди. Ушбу синовдан Саид Эрхўжаев ҳам ўта олмади. Билимсизлиги, ўз ишига лаёқатсизлиги аниқланди.

Хўш, жаноб Эрхўжаев малакали мутахассис бўлса, ўз вазифасини виждонан, ҳалол бажарса нега синовдан ўта олмади? Мана калаванинг учи қаерда!..

Шу муносабат билан Тошкент вилояти давлат ветеринария бошқармаси 25 октябрда буйруқ чиқарди. Бошқарма бошлиғи М. Орифжонова имзолаган буйруқнинг иккинчи бандида: «Шаҳодат синовидан ўтмаган раҳбар-мутахассисларни 10 кун муҳлат ичида вазифасидан озод этиш чоралари кўрилсин», дейилган. Лекин буйруқнинг ижроси ҳануз таъминланмаган, Саид Эрхўжаев ялло қилиб ишлаб юрибди. Хўш, бу ниманинг эвазига?

Ҳулдас, раддия беришни талаб қилиб ёзилган хат асоссиз эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб қолди. Ўзбекларда қўпол бўлса ҳам бир мақол бор: «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур».

Туҳмат ҳамиша бошга бало ёғдиради. Бировга тош отишдан, раддия сўрашдан олдин ўзингга боқ, сўнг ногора қоқ, дейдилар. Шундай эмасми жаноб раис? Энди сизнинг бу қилмишингизга мутасаддилар баҳо берса ажаб эмас...

ХАТЛАР ВА ШИКОЯТЛАР БЎЛИМИ.

● *Во ажабо...*

РЕКОРДЧИ ПИРОГ

Дрезденлик 80 нафар новвой ва қандолатчилар ўтган йили янги йил арафасида ўрнатган рекордларини янгиладилар. Улар ўша пайтда 3680 килограммлик ширин пирог пиширишган эди. Наввой ва қандолатпазлар 2000 йилни кутиб олишга узунлиги 5,7 метр, эни 1,7 метр вазни 3860 килограмм бўлган пирог тайёрлашди.

БУВИ НАБИРАСИНИ ЎЗИ ТУҒДИ

Ҳиндистонда тиббиёт соҳасида қўлланилаётган замонавий технология туфайли 48 ёшга кирган буви набирасини ўзи туғишга муваффақ бўлди. Жайпурдаги оналикни ҳимоя қилиш марказида амалга оширилган ноёб операция муваффақиятли якунланди.

Марказнинг етакчи мутахассиси Гунджан Джайннинг таъкидлашича, чақалоқнинг генетик онаси аввалги туғиш вақтида операция қилинган. Шу сабабли шифокорлар унга бундан кейин туғишга рухсат беришмаган. Аммо ёш она ўзида авлод қолдириш имкониятини сақлаб қолган.

Шифокорлар шуни назарда тутиб, унга бўлғуси боласини пробиркада чатиштиришни таклиф қилишди. Аёл рози бўлди. Эмбрионни эса, аёлнинг онаси ўзига ўтказишга кўнди. Натижада зарур вақт ўтгач, жажжи қизча ёруғ дунёюзини кўрди. У ҳозир икки ойликдан ошди. Нормал ўсиб, яхши ривожланмоқда.

БУНИ АРЧА ДЕСА БЎЛАДИ

Тасмания оролида маҳаллий табиат ҳимоячилари ўсиб турган 80 метрлик арчани ранг-баранг чироқлар ва ўйинчоқлар билан безадилар. Бу билан улар янги йилда бир неча кунлик завқ-шавқ учун қанчадан-қанча ноёб дарахтларни кесилиб кетишига қарши эканликларини намойиш этишди. Зеро Биби Мариам ҳам Исо алайҳиссаломни гуркираб ўсиб турган дарахтга ўйинчоқ осиб овутган.

РОНАЛДО 2000 ЙИЛНИ РАФИҚАСИ БИЛАН КУТИБ ОЛАДИ

Бразилиялик футбол юлдузи Роналдо 2000 йилни оила қурган ҳолда кутиб оладиган бўлди. Гап шундаки, ҳозир Миланнинг «Интер» клубида тўп сураётган Роналдо Рио-де-Жанейрода Милена Доменгаш деган аёл билан яқинда никоҳдан ўтди. Ҳозир ёш келин-куёвлар фарзанд кутишяпти. Улар икки-уч ойдан кейин чақалоқлик бўлишлари керак.

ЭЙНШТЕЙН XX АСРНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

Америкада чиқадиган «Тайм» журнали машҳур олим Альберт Эйнштейнни XX асрнинг энг машҳур кишиси, деб топди. Сабаби олимнинг вақт, макон ва материя ҳақидани назарияси дунё ва атом сирларини очиш имконини берган.

ПУШКИНГА ЭФИОПИЯЛИК АВЛОДЛАРИНИНГ ҲУРМАТИ БАЛАНД

Эфиопия пойтахтидаги кўчалардан бири янги йилдан Пушкин номи билан аталадиган бўлди. Аддис-Абеба шаҳар кенгаши авлодлари шу юртдан чиққан шоирни ниҳоятда ҳурмат қилишлигини билдирди.

ОМАДИ БОР 1 ЯНВАРДА ТУҒИЛАДИ

Харьков шаҳри ҳокимлиги 2000 йилнинг биринчи январида туғилган чақалоққа вилоят марказининг энг яхши жойидан 1 хонали квартира ва 10 граммлик олтин қўйма ажратишини маълум қилди. Шунингдек, шу куни ундан кейин туғилган гўдакларнинг ҳар бирига «Малютка» кир ювиш машинаси ва 100 граммлик кумуш қўйма совға қилинади.

САМОЛЁТ ЙЎЛОВЧИНИ URИБ КЕТДИ

Калуга шаҳри фуқароси ўз иши билан Угрюмова қишлоғига кетаётган эди. У вақтдан ютиш мақсадида Грабцевадаги учув аэродроминнинг учиш-қўниш йўли орқали юрди. Шу пайт «Як» спорт самолёти қунаётган эди. Соатига 200 километр тезлик билан келаётган самолёт учувчиси уни четга буролмади. Натижада йўловчини иккига бўлиб юборди.

Бу ҳолатни бинокл орқали кузатиб турган Калуга авиация билим юрти талабаси таърифлаб берган.

Куч — адолатда
Адолат
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 1020, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босмага топшириш вақти — 21.00. Босмага топширилди 21.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.